

## МУНДАРИЖА:

<b>Биринчи боб ОИТВ ҳақида нима биламиз?</b>	5
ОИТВ ва иммун мақоми	5
ОИТВ қандай юқади?	8
<b>Иккинчи боб ОИТВ – мусбат натижали...</b>	12
ОИТВ-юқумли касаллиги – бу нимани БИЛДИРМАЙДИ?..	12
«ОИТВ-юқумли касаллиги» ташхиси Сизнинг ҳаётингизда	
нимадир ўзгариши лозимлигини билдирадими? .....	12
ОИТВ – мусбат натижали. Бу нима дегани? .....	13
Мен ўзимни доимо шундай сезаманми, ёки менинг	
түйғуларим ўзгарадими? .....	13
Ташхис ҳақида кимга қандай қилиб гапириш.....	15
Сизнинг муаммоларингизни ҳал эта оладиган инсон .....	18
ОИТВ билан қанча яшаш мумкин?.....	19
Ўзи ва яқинларига қандай ғамхўрлик қилиш керак? .....	20
Баъзан ОИТВ – мусбат натижали кишиларга «мўъжизали	
тузалиш» ни таклиф қилишади .....	21
Шифокор билан муносабатлар. ....	21
Алоҳида эҳтиёжлар: ОИТВ билан яшаётган аёл фарзанд	
кўриши мумкинми?.....	22
Агар ҳомиладорлик пайтида Сизда ОИТВ-юқумли касаллиги	
борлигини билсангиз .....	23
Янги баҳт .....	24
Хавфсиз жинсий алоқа – фақат шеригига эмас, ўзига ҳам .....	24
ғамхўрлик қилиш .....	24
Учинчи боб Мусбат натижали ҳомиладорлик .....	26
Ҳомиладорлик тақвими: кундан-кунга .....	29

<b>Тұртинги боб Инсон Түғилди!</b>	64
Түғруқдан кейинги илк давр	64
Боланинг ОИТВ мақомини қандай қилиб ва қачон билиш мумкин?	64
Болани сунъий овқатлантириш	65
Нега болани күкрап сути билан эмизмайсан, деган саволга	66
қандай жавоб бериш керак?	66
Сунъий аралашмалар, уларни тайёрлаш	67
Чақалоқни кузатиш ва парвариш қилиш	68
ОИТВ-мусбат натыжа аёл түкқан чақалоқни парвариш қилишнинг ўзига хос хусусиятлари борми?	69
Түғруқдан кейинги давр. Сут безларининг сутни ҳосил қилиши ва ажратиши (лактация) түхтаб қолиши	70
Психологик ўз-ўзига ёрдам.	70
Агар чақалоқда ОИТВ –юқумли касаллик ташхиси тасдиқланса	71

## Кириш

Ассалому алайкум, хуш келибсиз: олдингизда - ОИТВ билан яшаётган, ва бола туғилишини кутаётган аёллар учун китоб.

Сиз қўлланмани бошидан охиригача ўқишингиз, ёки Сизни қизиқтирган бобларни танлашингиз мумкин. ОИТВ-юқумли касаллигига ҳомиладорликнинг кечиши билан боғлиқ саволларни муҳокама қилганда кўп янги сўзлар ва атамалар ишлатилади.

Ҳар бир ўқувчи аёл ўз вазиятини батагфисл аниқлай олиши учун, уларнинг маъносини тушуниришга интилдик. Албатта, ОИТВ билан яшаётган ҳар бир аёлнинг ўз бетакрор ҳаёт тарихи бўлган. Лекин ҳар бир аёлга тегишли бўладиган мавзулар ҳам бўлади. Бундай муҳим мавзулардан бири боланинг туғилишини кутишdir.

Қўлланманинг биринчи қисмида Сиз ОИТВ-юқумли касаллиги ҳақида, боланинг туғилиши билан боғлиқ ўзингизда мавжуд бўлган ҳуқуқлар ҳақида умумий маълумотни топасиз.

Аёллар ҳомиладорлик бошланганда тиббий ёрдам олиш учун аёллар маслаҳатхонасига келганда ўзига одам иммун танқислигининг вируси юққанлиги ҳақида биринчи марта биладиган ҳолатлар ҳам учрайди. Шунинг учун, агар Сиз ҳам шундай бўлсангиз, қўлланмада Сизга бу даврни бошидан кечириб, кучлироқ бўлишга ёрдам берадиган бўлим бор.

Агар Сиз ўз чақалоғингизни туғишга қарор қилган бўлсангиз ва унинг соғлом туғилишини истасангиз, Сизга ҳомиладорликнинг, туғруқнинг ўтиши масалаларига, шунингдек болага ОИТВ юқишининг профилактикасига бағишлиланган қўлланманинг бўлимлари фойдали бўлиши мумкин.

Жуда тез орада дунёга янги инсон келади. Бунга тайёрланишни унуманг, «Туғишга тайёрланамиз» бўлимига қаранг.

Инсон туғилди! Ушбу баҳти пайтда қандай саволлар пайдо бўлади? Сиз уни кўкрак сути билан эмизмаслигингизни атрофдагиларга қандай тушунириш керак? Қўлланма бу мураккаб саволга жавоб топишида ёрдам бериши мумкин.

Биз ушбу құлланма Сизге ёрдам беради, үзингизга ишонч бағишлайды,  
Сиз саволлар беришни бошлайсиз деб умид қиласыз.

Уларни кимга ва қандай бериш мүмкін? Ресурсларга бағишланған бүлімнен қаранг.

Келинг, энди бошлаймиз.

Бугунғи кунда ОИТВ-юқумли касаллигининг муаммоси борган сари күпроқ кишиларға тегишли бўлади, борган сари күпроқ аёлларни қамраб олади. Шунинг учун, аёл ўз ҳаёт йўлида ҳал этадиган ўзига хос вазифалар билан боғлиқ ҳолда, одам иммун танқислигининг вируси (ОИТВ) ҳакида гаплашиб вақти келди.

Оқ йўл.

## Биринчи боб. ОИТВ ҳақида нима биламиз?

ОИТВ (одам иммун танқислигининг вируси) организмни касалликлардан ҳимоя қиласиган иммун тизимини шикастлайди. Бу сезилмайдиган жараёндир. ОИТВ юқсан инсон жуда кўп йиллар давомида кўриниши яхши бўлиб, ўзини жуда яхши сезиши, ва юқумли касаллик борлиги ҳақида ҳатто билмаслиги ҳам мумкин. Вақт ўтиб, иммун тизими аста-секин заифлашиб бориши билан, ОИТВ юқсан инсон турли касалликларга, айниқса юқумли касалликларга (масалан, сил, ўпканинг яллиғланиши) мойил ва заиф бўлиб қолади.

Бу касалликлар «оппортунистик» (лат. opportunus – ҳимояланмаган, заиф сўзидан) деб аталади, чунки улар иммун тизими заифлашиб қолганда ва эндилиқда турли касаллик қўзғатувчиларига қарши кураша олмагандан пайдо бўлади.

Оппортунистик юқумли касалликларнинг ривожланиши ОИТС босқичи юзага келишидан далолат бериши мумкин (ОИТС – ортирилган иммун танқислигининг синдроми). Халқаро амалиётда шифокорлар «ОИТВ-юқумли касаллигининг кечки босқичи» ёки «ривожланган босқичи» атамаларидан фойдаланишни афзал кўради.

Унинг белгилари оппортунистик юқумли касалликлар (ОЮК) бўладиган касалликнинг кечки босқичи бошлангунча одатда ўртача 4–5 йилдан 10 йилгacha ўтади (5% ҳолларда – юқишдан кейин 2–3 йил ўтганда; 10% ҳолларда – 15–20 йил ўтганда)..

### ОИТВ ва иммун мақоми

ОИТВ нинг асосий мўлжали инсоннинг иммунитети учун жавобгар бўлган, уларнинг юзасида ўзига хос оқсил молекуласи бўлган, CD4 илмий шифр билан белгиланадиган – «си-ди-тўрт», ёки «си-ди-фо» хужайралар ҳисобланади. ОИТВ CD4 хужайраларини парчалайди ва уларнинг миқдори аста-секин камайишига олиб келади. Бу хужайраларнинг даражасини аниқлайдиган қонтаҳлили иммун мақоми дейилади. Шунингдек, бутаҳлилда иммун тизимининг бошқа хужайраларнинг миқдори ҳам аниқланади, лекин

улар ОИТВ-юқумли касаллиги борасида бундай туб асосий аҳамиятига эга бўлмайди.

CD4 ҳужайраларнинг миқдорини қон миллилитрида ушбу ҳужайраларнинг миқдорига кўра баҳоланади (ҳужайралар/мл).

- Соғлом катта ёшли инсонда меъёрида CD4 – ҳужайраларнинг миқдори (иммун мақоми) 500–1500 ҳужайралар/мл бўлади.
- Номақбул омиллар таъсирида, шу жумладан ОИТВ-юқумли касаллиги сабабли, иммун мақоми камаяди. Агар CD4 нинг миқдори 200–500 ҳужайралар/мл бўлса – бу иммун тизимининг заифлашган фаолиятини билдиради.
- Иммун мақомининг кўрсаткичи 200 ҳужайралар/мл дан паст бўлгандага инсонда оғир ва хавфли оппортунистик юқумли касалликлар ривожланиши мумкин. Шунинг учун, агар инсоннинг иммун мақоми 350 ҳужайралар/мл дан пастроқ бўлса ёки тез камайиб борса, унга, афтидан, ОИТВ – юқумли касалликни даволаш (ретровирусга қарши даволаш, РВҚ-даволаш) керак бўлади, у инсоннинг иммун мақоми пасайишига йўл қўймайди. Бундан ташқари, ўз вақтида бошланган даволаш кўпчилик ҳолларда CD4 ҳужайраларнинг миқдорини тиклашга ёрдам беради.

CD4 нинг миқдори стресс, қаттиқ чарчаш, касалликлар, ҳайз кўриш, ҳомиладорлик ёки йил мавсумларининг ўзгариши сабабли ҳам ўзгариши мумкин. Шунинг учун, агар Сизнинг иммун мақомингиз озгина камроқ бўлса, даҳшатга тушиб керак эмас. Шифокор маслаҳат бериш пайтида булар вақтинча ўзгаришми, ёки ОИТВ нинг таъсири билан боғлиқми, деб аниқлашга ёрдам беради. Шифокор иммун мақомингиз вақт ўтиб қандай ўзгаришини қарайди: динамикада ОИТВ иммунитетга қанчалик таъсири этишини аниқлаш мумкин, ва зарур бўлганда даволашни тавсия этади. Шундай қилиб, иммун мақомини мунтазам топшириш энг яхши бўлади, бу ОИТВ юқумли касаллигини даволашни ўз вақтида бошлаш ва бир қатор оғир касалликлар ривожланишининг олдини олиш имконини беради.

## Вирус юкланмаси

Иммун мақомининг таҳлилидан ташқари, ОИТВ билан яшовчилар учун қонда қанча вирус борлиги муҳим ўрин тутади. «Вирус юкланмаси» дейиладиган қон таҳлили вирус зарраларининг (вирус нусхаларининг) миқдорини аниқлашга ёрдам беради, у нусха/мл миқдорида ўлчанади. Қонда вирус нусхалари қанчалик кўп бўлса, шунча кўп CD4 хужайраларига вирус киради, ва иммун мақоми шунчалик тез камайиб боради.

Вирус юкланмаси тестларида «қуий чегараси» бор, яъни қондаги вируснинг тест-тизим «қўра олмайдиган» миқдори бўлади. Агар қондаги вирус миқдори тест-тизим томонидан аниқланадиган даражасидан паст бўлса, бундай вирус юкланмаси аниқланмайдиган деб аталади. Бу қонда вирус умуман йўқ дегани эмас, лекин у жуда камдир. Одатда 50 дан ёки 400 нусха/мл дан пастроқ бўлган вирус юкланмаси аниқланмайдиган юкланма бўлади.

### Вирус юкланмаси:

аниқланмайдиган юкланмадан 10000 нусха/мл гача – кичик,  
10000 дан 50000 нусха/мл гача – ўртacha,  
50000 дан 100000 нусха/мл гача – юкори,  
ва 100000 ва ундан юкорироқ – ўта юкори юкланма бўлади.

Шуни унутмаслик муҳимки, вирус юкланмасининг кўрсаткичи, иммун мақоми каби, бегона омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Шунинг учун, агар вирус юкланмаси 5000 дан 15000 нусха/мл гача ошган бўлса – бу хавотирланиш учун сабаб бўлмаслиги керак. Вирус юкланмасининг доимий ортиши ёки вирус юкланмасининг уч баравардан ортиқроқ кескин ўсиши ОИТВ-юкумли касаллиги ривожланаётганилигидан далолат беради.

## ОИТВ қандай юқади?

Юқиши учун етарли бўлган ОИТВ миқдори бўладиган организм суюқликлари:

- қон
- сперма
- аёллар жинсий аъзоларининг ажралмалари
- кўкрак сути.

Вируснинг юқиши юз бериши учун, ушбу суюқликлардан бири инсоннинг қон томири тизимига ёки шиллик пардасига тегиши керак.. ОИТВ организмнинг бошқа баъзи суюқликларида: сўлак, кўз ёши, терда ҳам бўлади, лекин миқдори юқиши учун етарли бўлмайди. Шунинг учун ОИТВ шамоллаш ёки грипп вируслари каби майший ёки ҳаво-томчи йўли билан тарқалмайди (эпидемиянинг бутун тарихи давомида жаҳонда ҳеч қаерда бундай ҳолат қайд этилмаган).

## Юқиш қўйидаги ҳолатларда юз бериши мумкин:

- ОИТВ юққан инсон билан ҳимояланмаган (презервативдан фойдаланмаган ҳолда) одатдаги, оғиз орқали ёки орқа тешик орқали жинсий алоқа қилгандан;
- ОИТВ юққан инсон билан битта нина, шприц, дори идиши, фильтр ёки гиёхвандлик воситасининг эритмасидан фойдаланганда;
- ҳомиладорлик, туфруқ пайтида ва кўкрак сутини эмизишда. Бу ОИТВ-юқумли касаллик юқишининг вертикал йўли деб аталади;
- ОИТВ юққан инсондан қон қўйиш пайтида;
- ОИТВ юққан қон, сперма ёки аёллар жинсий аъзоларининг ажралмалири очиқ яраларга теккан ҳолда.

## Айтгандек: ҳимояланмаган жинсий муносабатларда ОИТВ юқиши-нинг хавфи қандай?

- Эркақдан аёлга, презервативсиз бир маротабалик жинсий алоқада – 0.01-0.2%

• Аёлдан эркакка, презервативсиз бир маротабалик жинсий алоқада – 0.03-0.01%

Жинсий аъзоларнинг яллиғланишлари, жароҳатлари, жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг (ЖИЮК, баъзан «венерик касалликлар» дейиллади) мавжудлиги ОИТВ юқишининг хавфи анчагина кўпайишига олиб келишини ҳисобга олиш керак.

Кўриниб турибдики, аёлларда презервативсиз жинсий алоқада ОИТВ юқишининг имконияти эркакларга нисбатан анча кўпроқ бўлади. 2008 йилда аниқланган 60% дан ортиқ аёлларга ОИТВ айнан шундай йўл билан юқсан.

### **Ҳомиладорлик, туғруқ ва кўкрак сутини эмизиш пайтида болага ОИТВ юқишининг эҳтимоли қандай?**

Агар онадан болага вирус юқишининг профилактикаси чораларини кўрмасангиз, болага юқишининг эҳтимоли 25-40% ни ташкил этади. Ҳомиладорлик ва туғруқ пайтида аёлнинг, шунингдек туғруқдан кейин боланинг ретровирусга қарши дориларни истеъмол қилиши, зарур бўлганда режали тарзда она қорнини ёриб болани олиш ва кўкрак сути ўрнига сунъий овқатлантириш ОИТВ нинг болага юқиши хавфини 2% дан камроқ дараражагача камайтиради.

Ушбу вазифа фақат бўлғуси она ва тиббий ходимларнинг биргаликдаги уринишлари ёрдамида бажарилиши мумкин.

### **ОИТВ онадан болага қандай юқади?**

Биз, ОИТВ-юқумли касаллиги онадан болага энг кўп ҳолларда ҳомиладорликнинг охирида, бевосита туғруқдан аввал, шунингдек тўлғоқ вақтида ва боланинг туғилиши пайтида юқишини биламиз.

Кўкрак сутини эмизиша ҳам вирус юқиши мумкин.

### **Баъзи омиллар ОИТВ нинг болага юқиши эҳтимолини оширади**

Улардан энг муҳими – онанинг қонидаги вируснинг миқдори – вирус юкланмасидир. Агар аёлнинг вирус юкланмаси юқори бўлса, болага вирус юқишининг хавфи кескин ошади. Ҳомиладорлик пайтида ретровирусга

қарши дориларни қабул қилиш, биринчи навбатда, аёлда имкони борича пастроқ вирус юкланмасига эришишга қаратилади. Бу туғруқ пайтида энг күп аҳамиятга эга бўлади: туғруқ йўлларидан ўтишда вирус чақалоқнинг организмига, унинг терисидаги яралар ва шилинмалар орқали кириши мумкин. Бундан ташқари, туғруқ йўлларидан ўтишда чақалоқ онанинг қони ва жинсий аъзоларидан ажралмаларини ютиши мумкин. Бу ҳолда, вирус унинг организмига ҳали охиригача шаклланмаган оғиз, қизилўнгач ва ошқозоннинг шиллиқ пардаси орқали кириб боришининг хавфи бўлади. Вирус юкланмасини камайтириш мос ҳолда болага ОИТВ юқишининг хавфини камайтиради. **Шунинг учун ҳам, аёл бу вақтда ретровирусга қарши препаратларни қабул қилиши муҳим бўлади.**

ОИТВ нинг болага юқишининг хавфини оширадиган бошқа омиллар ичида, ҳомиладорлик пайтида гиёхвандлик воситаларини истемол қилиш, жинсий аъзоларининг юқумли касалликларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ҳомиладор аёлда бундай касалликлар аниқланганда, шифокор керакли даволашни тавсия этади.

**Биз онадан болага ОИТВ нинг юқиши ҳақидаги билган барча нарсаларимиз, имкони борича аввалроқ ёрдам учун мурожаат қилиш ва тўлақонли профилактикасини олиш лозимлигини билдиради.**

### **Ҳомиладорлик пайтида РВҚ-препаратларни қабул қилиш хавфсиз бўладими?**

Биз ҳаммамиз одатда аёлларга ҳомиладорлик пайтида дориларни истемол қилиш тавсия этилмаслигини яхши биламиз.

**Лекин бу болага ОИТВ-юқумли касаллиги юқишининг хавфини камайтириш ва онанинг соғлиғини сақлаб қолиш зарур бўлган ҳолларга тегишли бўлмайди.** Збу ерда ҳеч қандай зиддият йўқ: ушбу вазиятда болага юқумли касаллик юқишининг хавфи ҳамда РВҚ-терапиянинг кўпланишидаги эҳтимолий асоратлар ўртасидаги оқилона мувозанатни излашга тўғри келади.

Ҳеч ким РВҚ-препаратлар мутлақо хавфсиз, деб айтмайди (улардан баъзилари ҳомиладорлик пайтида тавсия этилмайди). Шунинг учун РВҚ-препаратларни қабул қилувчи барча ҳомиладор аёллар шифокорнинг дикқат билан кузатуви остида бўлади ва дориларни қабул қилишнинг

хавфсизлигини аниқлаш учун таҳлилларни топширади (қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлили, сийдикнинг умумий таҳлили). Айни пайтда минглаб ҳомиладор аёллар ўз соғлифи учун ҳамда ОИТВ-юқумли касаллигисиз эсон-омон туғилган ўз болаларининг соғлифи учун бирор-бир зарарсиз РВҚ-терапия курсини ўтганлар.

Оналари РВҚ-препаратларни қабул қилган болаларда ривожланишнинг туғма нүқсонлари бўйича халқаро статистика 1989 йилдан бошлаб юритилади. **Болага зарар етказиши мумкин бўлган дорилар аёлларга ҳомиладорлик пайтида тайинланмайди!**

### **Ҳомиладорлик бўлғуси онада ОИТВ-юқумли касаллигининг кечишини тезлаштириши мумкинми?**

- Ҳомиладорлик ОИТВ билан яшаётган аёл соғлифининг ҳолатини ёмонлаштирмайди.
- Ҳомиладорлик пайтида ОИТВ-юқумли касаллигининг ривожланиши тезлашмайди.

Кўп ҳолларда (лекин ҳар доим эмас) ҳомиладорлик иммун тизими ҳолатининг кўрсаткичлари вақтинча камайишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, CD4 ҳужайралар сони тахминан 50 ҳужайра/мм<sup>3</sup> га камайиши мумкин. Одатда, иммун мақоми боланинг туғилишидан кейин тез орада бошланғич кўрсаткичига қайтади.

Лекин, агар CD4-ҳужайралар сони 200 ҳужайра/мм<sup>3</sup> дан пасайган бўлса, бу хавотирлантирувчи белги: CD4 нинг бундай даражаси оппортунистик юқумли касалликлар ривожланиш хавфини солади, улар аёлнинг ҳамда унинг бўлғуси боласининг соғлиғидаги жиддий асоратларга олиб келиши мумкин. Имкони борича тезроқ тегишли даволашни бошлаш лозим.

Агар аёл ҳомиладорлик пайтида РВҚ-препаратларни қабул қилишни бошлаган бўлса, вирус юкланмаси камайишига қарамай, CD4 ҳужайраларнинг сони фақат озгина ортиши ҳам мумкин. Бундан хавотир олишнинг кераги йўқ – эҳтимол, CD4 миқдори боланинг туғилишидан кейин ортиши мумкин.

## Иккинчи боб

# ОИТВ – мусбат натижали...

### ОИТВ-юқумли касаллиги – бу нимани **БИЛДИРМАЙДИ?**

... касаллик Сизнинг ўзингизни сезишингизга таъсир этишини **БИЛДИРМАЙДИ**. Инсонда ОИТВ бўлиши, ва бунда у ўзини соғлом деб ҳис этиши мумкин.

... Сиз иложсиз эканлигингизни **БИЛДИРМАЙДИ**. Иммун тизими ни мустаҳкамлаш, соғлиқни тутиб туриш, ўз ҳаётининг сифатини сақлаб қолишнинг кўпгина усувлари бор.

... Умрингизнинг саноқли кунлари қолганлигини **БИЛДИРМАЙДИ**. Кишилар ОИТВ билан узоқ йиллар яшайди, ва маҳсус даволашни олиб туриб, яна чекланмаган ҳолда узоқ вақт яшashi мумкин.

... агар Сиз ўзингиз буни хоҳламасангиз ҳам, Сизнинг ҳаётингиз дархол тубдан ўзгаришини кераклигини **БИЛДИРМАЙДИ**.

### «ОИТВ-юқумли касаллиги» ташҳиси, Сизнинг ҳаётингизда нимадир ўзгариши лозимлигини билдирадими?

...**ҲА**, чунки ОИТВ-юқумли касаллигига ўзини иложсиз қолган қурбон эмас, вазиятни бошқарувчи бўлиб сезиш муҳим бўлади.

Билим – кучдир, шунинг учун ОИТВ-юқумли касаллигининг ривожланиши ҳақида, турли таҳлилларнинг аҳамияти ва мазмуни ҳақида, ўзининг соғлиғини тутиб туриш, янги дорилар ва даволаш усувлари ҳақида кўпроқ билиб олишга ҳаракат қилинг.

Ўз ҳукуқларингизни билинг ва уларга риоя қилиш лозимлигини таъкидланг. Биз шу китоб Сизга бунда ёрдам беради, деб умид қиласиз.

...**ҲА**, чунки вирус презервативсиз жинсий алоқа қилганда ёки стерил бўлмаган инъекцияларда бошқа кишиларга юқиши мумкин. Сиз ОИТВ юқишининг олдини олиш учун ўз хулқингизни кўпроқ хавфсиз қила оласиз!

...**ЙЎҚ**, чунки ОИТВ-юқумли касаллиги ўзининг режаларидан ва қизиқишлиаридан, ўқишдан, ишдан ва кўнгил очишдан, севги ва жинсий

алоқалардан воз кечиш учун сабаб бўлмайди. Вақт ўтиб, кишилар ташхис қўйилганидан кейин уларнинг кундалик ҳаёти кам ўзгариши мумкинлиги, ва бу нормал ҳолат эканлигини тушунади.

## **ОИТВ – мусбат натижали. Бу нима дегани?**

Сиз ОИТВ – мусбат натижали эканлигингиз Сизга шу вирус юқсанлигини билдиради. Организмингиз шу юқишга жавобан аксилтаначаларни ишлаб чиқаради. Организм вирусларга қарши курашадиган барча ҳолларда шундай бўлади. Аксилтаначаларни ОИТВ юзасидан тест деб аталадиган қон таҳлили ёрдамида аниқлаш мумкин. Агар таҳлил Сизнинг қонингизда ОИТВ га аксилтаначалар борлигини кўрсатган бўлса, демак, Сиз ОИТВ –мусбат натижалисиз. Тиббий нашрларда кўпинча «ОИТВ-юқсан киши» деган атама ишлатилади, лекин ОИТВ билан яшайдиган кўп кишилар бу сўзни кундалик ҳаётда таҳқирловчи деб тушунади. Вирусга аксилтаначалар бўлмаган инсон ОИТВ-манфий натижали дейилади.

Кўплар, айниқса агар улар ўзини яхши сезадиган бўлса, аввалига таҳлил натижасига ишонмайди. Лекин бу таҳлилнинг натижаси пухта текширилади. Хатонинг эҳтимоли жуда кам бўлади.

Вақт ўтиб, ОИТВ билан яшаётган аёллар ОИТВ-юқумли касаллиги ҳақида кўпроқ билиб олади. Лекин бошида кўпчилик кўрқуб кетади.

*Агар Сиз ўзингизни ҳаммадан узилган деб ҳис этсангиз, минглаб худди шундай аёллар бундай кучли ҳис-туйғулар бўлган даврни бошидан кечирганлигини, энди эса тўлақонли умр кечираётганлигини ўйлаб кўринг.*

## **Мен ўзимни доимо шундай сезаманми, ёки менинг туйғуларим ўзгарадими?**

ОИТВ юзасидан тестнинг мусбат натижасини олганларнинг барчаси бунга турлича реакцияда бўлади. Кўпчилик аёллар бунда бир қатор туйғуларни бошидан кечирган: уялиш, ғазаб, айбордлик туйғуси, қўрқув, қайғу ва тушкунлик. Эҳтимол, Сизда ҳам кучли туйғулар тўлиб-тошади. Аста-секин уларни бошқара оласиз. Шок ҳолати ўтиб кетади, ва Сиз ОИТВ билан яшашга ўрганиб қоласиз.

Кўпинча ОИТВ билан яшаётган кишиларнинг ўз ташхисини билгандা биринчи қиласидиган иши, – ўзига нима бўлганини қандай қилиб бўлса ҳам унтишга ҳаракат қилиш. Афсуски, бу пайтда одатда алкоголь, гиёҳвандлик воситалари ва озгина вақтга бўлсаям, ўзини яхшироқ сезишга ёрдам берадиган ҳамма нарсалар иш беради. Бундай «муаммо ечимининг» муаммоси шуки, улар узоқ таъсир этмайди. Уни қанчалик кўп ишлатса, Сизнинг туйғулариниз ва муаммоларингиз шунчалик оғир ва чалкаш бўлиб кетаверади.

Кўпинча кишилар ўз туйғулари устида ишламаслик учун алкоголь ёки гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қиласиди. Натижада, мавжуд муаммоларга яна шу моддаларга тобелик қўшилиши мумкин.

Баъзан ўз туйғуларини очик қарши олиш ва фақат «чалғишига» уринмай, муаммоларни ҳал этишнинг янги йўлларини излаш яхшироқ бўлади. Ўз туйғуларига эътибор бермаслик ҳеч қачон муаммони ҳал этмайди, бу «сабабсиз» хавотирга, муносабатларда муаммоларга, атроф оламдан узилиб қолганлик туйғусига олиб келиши мумкин.

Туйғулар ўзига эътиборни талаб қиласиди. Агар ўз туйғусининг «номини» очик айтса, шунингдек ўзи ишонадиган кишилар билан бу ҳақда очик гаплашса, одам енгил тортади.

Шунингдек ўзаро ёрдам гуруҳига мурожаат қилиш мумкин. Бу – бирбирига керакли ёрдам кўрсатишга тайёр бўлган кишиларнинг норасмий бирлашмасидир. Баъзи пайтларда худди Сиз каби ахволда бўлган, шунинг учун ҳам ҳар қандай кишидан аълороқ Сизни қўллаб-қувватлай оладиган инсоннинг ёрдами айниқса қимматли бўлади. Кризис пайтида Сизнинг ёнингизда худди шундай саволларга жавоб излаётган, худди шундай қийинчиликларни енгиб ўтаётган, улардан ҳеч нимани яшириш керак бўлмаган бир неча инсон борлигини тасаввур қилинг. Сиз ўзингизни ташвишга колаётган нарсалар ҳақида гаплаша оласиз, бошқалар у ёки бу ҳолда нима иш қилганлигини биласиз. Гуруҳнинг борлиги, унинг ишлаш соатлари ҳақида доимо ОИТС марказининг даволовчи шифокоридан билиб олиш мумкин.

Шунингдек, турли «кундалик усууллар» билан ўз туйғуларини енгиллаштириш мумкин. Бу табиат қўйнида сайр қилиш, севимли фильм, эски ўртоқ билан учрашув – айнан Сизга қийин пайтда ёрдам берадиган ҳамма нарсалар бўлиши мумкин.

• Үзингизни уришмасликка ва ўз ҳақингизда ёмон ўйламасликка ҳаракат қилинг. Ўз ҳақингизда ёмон ўйлар пайдо бўлганда, ҳар гал ўзингизни тўхтатинг. Сиз ўзингиз, ўз қобилиятингиз, кўринишингиз, ОИТВ-мусбат натижали мақомингиздан кўнглингиз тўлмаган пайтда бу фикрни тўхтатиб, ўзингизда яхши чиқадиган нарсаларни эслашга ҳаракат қилинг. Сиз яхши ва омадли эканлигингизни ўз-ўзи-нгизга айтинг. Сўзлар кўпинча ҳақиқатга айланади.

• Сизни қўллаб-қувватлашга тайёр бўлган кишилар билан кўпроқ мулоқот қилинг. Ўйлаб кўринг: агар Сиз ОИТВ ни «гуноҳи учун жазо» ёки «хавфли гурухлар касаллиги» деб ўйладиганлар билан мулоқот қилсангиз, ўзингизга муносабатингиз нотўғри бўлишининг ҳайрон қоларли жойи бўлмайди.

• Ўз ютуқларингизнинг рўйхатини тузинг, улар албатта глобал ва мухим бўлиши шарт эмас. Бу балоғат аттестатини олиш, институтга кириш, заарарли одатдан воз кечиш, хобби, овқат тайёrlашни ўрганиш – ҳамма нарса бўлиши мумкин. Бу рўйхатни эслаб туринг ва уни вақт-вақти билан тўлдириб туринг.

• Бошқаларга ёрдам беришга ҳаракат қилинг. Бошқалар учун кўп нарса қиласидиган инсонлар ўзига яхши муносабатда бўлиши, уларда камроқ психологияк муаммо бўлиши маълум. Сиз бу дунё сал бўлса-да, яхшироқ бўлиши учун нима қила олишинзни ўйлаб кўринг.

---

*Асосийси, шуни унутманг – ОИТВ борлиги Сизни бошқа кишилардан ёмонроқ, пастроқ қилмайди. Касаллик ўз ҳаётини ва ўзини яхшилаш ва кучли қилиш учун рағбатлантириши мумкин*

---

Ўзига ОИТВ юқсанлигини билган ҳамма кишилар олдида қўйидаги савол пайдо бўлади

### Ташҳис ҳақида кимга қандай қилиб гапириш

**Қарор қилишга шошилманг.** Бу ташҳисни ичидан қабул қилиш учун вақт керак. Сиз унга тез ўрганишингиз «керак» деб ўйламанг ва у ҳақда бошқа кишиларга айтишга шошилманг. Эҳтимол, Сиз аввал бу ҳақда ҳеч кимга ай-

тмайсиз, вақт ўтиб, ишона оладиган кишиларингизни топасиз. Ёки Сиз аввал энг яқин кишинингизга буни айтасиз. Қарор қилганда, қандай оқибатлари бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўринг. Баъзи вазиятларда эҳтиёткорроқ бўлган яхши. Лекин ҳар қандай ҳолда ўз шеригингизга вирусни юқтирумаслик учун қўлингиздан келганча ҳаракат қилинг. Бу жуда муҳим, чунки унга юқиш ҳолатида қонунга кўра Сиз жиноий жавобгарликка тортилишингиз мумкин.

Афсуски, ОИТВ билан яшаётган кўп кишиларни ўз ОИТВ-мақоми ҳақида гапириш керакми, қандай қилиб ва кимга айтишни ўзи ҳал қилиши ҳукуқидан маҳрум қилишади. Бу нотўри ва ноқонунийдир.

Қонингизда ОИТВ борлиги Сизнинг инсоний қадр-қийматингизга ҳеч қандай таъсир этмайди! Бу бор-йўғи вирус, бу бирор нарсадан уялишга сабаб бўлмаслиги керак. Афсуски, дунёда хурофот ва нодонлик асоратида яшайдиган кишилар ҳали кўп. Улар Сизни ОИТВ-мақомингиз туфайли қоралаши мумкин. Лекин ҳеч ким уларга Сизга баҳо бериш ҳукуқини бермаган.

### **Собиқ жинсий шериклар**

Собиқ шеригингизга ўз ташҳисингиз ҳақида айтиш осон эмас. Сизнинг орангизда аввал қандай муносабатлар бўлгани ва ҳозир қандай бўлишига кўп нарса боғлиқ. Собиқ шеригингиз ОИТВ-юқумли касаллиги, ОИТВ юзасидан таҳлил ҳақида бирор нарса биладими? Сиз ўзингиз ҳақида айнан нимани гапириб бермоқчисиз? У Сизга нима бўлганини билиши керакми?

Агар Сиз тушиб қолган вазиятни у билан муҳокама қилиш Сизга қийин бўлса, буни касбий бурчи бўлган инсон – психолог ёки Сиз ишонадиган шифокордан илтимос қилиш мумкин.

### **Сиз учун яқин ва аҳамиятли кишилар**

Сиз ўз ташҳисингиз ҳақида кимга айтиб бермоқчи бўлганингизни ҳал этиш учун, Сиз буни айта оладиган барча кишиларнинг рўйхатини фикран ёки қоғозда тузиб олинг.

---

#### **Масалан:**

- Онангиз ёки отангиз;
- Жинсий шеригингиз;
- Болаларингиз;

- Яқын дўстларингиз;
- Ишхонадаги ҳамкасабалар;
- Руҳоний ёки маънавий устозингиз.

Бу кишилар ёки гурухлардан ҳар бирини ўйлаб кўринг. Ҳар бир ҳолатда, улар Сизнинг ташҳисингиз ҳақида билишининг яхши ва ёмон томонлари қандай бўлади, деган савонни ўзингизга беринг.

Агар ташҳисингиз маълум бўлса, қандай оқибатларни кутиш мумкин?

### **Сизнинг атрофдагиларингиз, дўстларингиз Сизни қўллаб-қувватлайдими?**

Агар Сиз кимгadir ўз ташҳисингиз ҳақида айтмоқчи бўлсангиз, уни қилишинингизни такрорлаб кўринг. Сиз нима дейсиз? Сухбатдо-шингининг сўзингизга жавобини тасаввур қилиб кўринг. Баъзи аёллар, ўз яқинларига ташҳиси ҳақида айтганда улар бу хабарни шунчалик оғир қабул қилганки, аёлнинг ўзи уларга кўмаклашишга мажбур бўлган.

Кимга айтиб бериш масаласини «Ҳаммага ёки ҳеч кимга» тамоилии асосида ҳал этиш керак эмас. ОИТВ-мусбат натижали мақомини оммавий ошкор қилиш, ва энг яқин кишилар доирасида очишнинг жуда катта фарқи бор. Агар Сиз уни ҳамманинг олдида ошкор қилмоқчи бўлсангиз, шошилманг. Энг аввало, ўзингиз учун кучли қўллаб-қувватлаш тизимини яратинг.

### **Отношения после раскрытия статуса**

ОИТВ билан яшаётган кўпгина кишилар, ОИТВ-мақоми очилганидан кейин уларнинг ўз яқинлари билан муносабати ундан ҳам мустаҳкам бўлганини айтади. Лекин Сиз дуч келишининг мумкин бўлган бир неча ўзига хос муаммолар ҳам мавжуд.

### **Вирус юқишидан қўрқиш**

Кишилар, айниқса Сиз билан бир уйда яшовчиларнинг билимсизлиги ва стереотиплари вируснинг майший юқиши имкониятидан қўрқишига сабаб бўлиши мумкин. Яқинларингиз Сизни хафа қилишдан қўрқиб, бу ҳақда айтмаслиги, лекин, масалан, Сизнинг

күйимингиз ва идишларингизни хлорли воситага ивitiши мумкин.

Агар Сиз буни сезсангиз, хафа бўлмасликка ҳаракат қилинг, яқин кишилар билан уларнинг қўркувини муҳокама қилиб, ОИТВ қандай юқиши ва юқмаслиги ҳақидаги объектив маълумотни беринг. Бу ҳолда энг яхшиси шифокорнинг гапига таяниш ёки ОИТВ нинг юқиши йўллари изоҳланган мақола нашрини ёки брошюрани олиб келиш керак. Бу қўркув одатда ақл билан бошқарилмайди, ва уни енгиш учун вақт керак бўлади.

### Ўта кўп ғамхўрлик қилиш

Яқинларингиз Сизда ОИТВ борлигини билиб, Сизни қўллаб-кувватлашга ҳаракат қиласди, деб ўйлашга ҳақлисиз. Лекин баъзан бу интилиш ортиқча эътибор ва соғлиғингиздан доимий хавотирланишга айланиб кетади. Бу ҳолда улардан жаҳлингиз чиқмаслигига ҳаракат қилинг, улар ўз қўркуви ва вазиятни бошқара олмай қолиши сабабли ўзини бундай тутади. Сиз бемалол ўзингизни эплашингиз мумкинлигини, уларнинг қўллаб-кувватлашини қадрлайсиз, лекин ачиниш ва йўл-йўриклир Сизга ёқмаслигини тушунтириб қўринг.

Баъзан буни қайта-қайта такрорлашга тўғри келади. Лекин, агар яқин инсонингизнинг соғлиғи учун хавотир олсангиз, Сиз ҳам ўзингизни шундай тутган бўлармидингиз?

### Сизнинг муаммоларингизни ҳал этадиган инсон

Бу инсон доимо ёнингизда. Бу инсон – Сизнинг ўзингиз. Битта инсон учун қўл қеладиган нарсалар Сиз учун фойдасиз бўлиб, тўғри келмаслиги мумкин, ва аксинча.

Лекин, қийин ҳаётий вазиятга тушган кишиларни қўллаб-кувватлашни биладиган мутахассислар ҳам бор. Агар Сиз психолог ёки психотерапевтга мурожаат қилишга қарор қилган бўлсангиз, мутахассисга ўз ОИТВ-мақомингизни ошкор қилишга тайёр бўлинг, акс ҳолда маслаҳат беришнинг ҳеч қандай маъноси қолмайди. Бу мутахассис ОИТВ-юқумли касаллигига ва айнан Сизнинг вазиятингизга қандай қарашини аниқланг. Саволларни беринг. Агар Сиз мутахассис Сизга айбдорлик туйғусини сингдириш ёки Сизга кейин қандай яшашни гапиришга уринаётганини тушунсангиз, афтидан, бундай мутахассис Сизга ёрдам бермайди.

Күпинча ОИТСга қарши кураш ва профилактика марказларида ва жамоат ташкилотларида маслаҳат бериш хизматлари бўлади. Бу психотерапевт, штатдаги психолог, ижтимоий ҳодим бўлиши мумкин. Борган сари қўпроқ, маҳсус таълим олган ОИТВ-мусбат натижали кўнгиллилар маслаҳат ёрдамини кўрсатадиган хизматлар пайдо бўлади. Шунингдек, ОИТВ/ОИТС масалалари бўйича ихтиослашган ишонч телефони орқали маслаҳат олиш мумкин.

Энг яхиси, ҳар қандай маслаҳатчи ОИТВ билан яшаётган кишилар билан мулоқот тажрибасига эга бўлиши, турлича яшаш тарзларига олдиндан андозали тарзда ёндашмаслиги, ҳамда ўзи ёрдам берадиганларнинг истаклари, билими ва тажрибасини хурмат қилиши лозим. Балки, биринчи мартасида Сиз «мос бўлмаган» маслаатчига урчрашингиз мумкин, лекин шу сабабли маслаҳат олишнинг бошқа имкониятларидан воз кечиш керак эмас. Ўзаро ёрдам гурухига мурожаат қилиш имконини унутманг, бу ерда Сиз ўзингизни ташвишга соладиган нарсалар ҳақида гаплашишингиз, бошқалар у ёки бу ҳолатларда нима қилганини билишингиз мумкин.

## ОИТВ билан қанча яшаш мумкин?

Инсон унда ОИТВ-юқумли касаллиги аниқланганидан кейин ўзига берадиган биринчи саволлардан бири бўлса керак. Унга фақат бир гап билан жавоб бериш мумкин: «Ҳеч ким аниқ билмайди».

Баъзида ОИТВ билан тахминий яшаш муддатлари айтилади (15, 10 ва ҳатто 5 йил), лекин аслида бу маълумот умумлаштирилган статистикага асосланиб, кўп ҳолларда эскирган бўлади.

Замонавий РВҚ-терапия умр давомийлигининг бундай чекланишини енгишга ёрдам беради. Бугунги кунда ОИТВ билан яшаётган ҳар бир муайян инсоннинг (аслида, ҳар қандай инсон каби) умри давомийлигини олдиндан аниқ ўлчаш мумкин эмас, деб айтиш мумкин. Унга жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади.

---

ОИТВ-юқумли касаллиги – бу жиддий ва ҳаёт учун эҳтимолий хавфли бўлган сурункали касалликдир, лекин у билан кўп йил давомида фаол яшаш мумкин, ва умрингиз қанчалик тўлақонли ва яхшиликка бой бўлиши кўп жиҳатдан ўзингизга боғлиқ бўлади.

## Ўзи ва яқинларига қандай ғамхўрлик қилиш керак?

Аёллар кўпинча ўзидан ҳам яқинларига кўпроқ ғамхўрлик қилишади. Лекин яшаб қолиш учун аввал ўзи учун ғамхўрлик қилиш керак. Биз ўз танамизни парвариш қилиб, руҳимиз ва ақлимиизни озиқлантириб, руҳий, ҳиссий ва маънавий соғлиғимизни қўллабқувватлаб, шунга ўрганамиз. Нафақат бизга, балки яқинларимизга ҳам биз ўзимизни асрашимиз ва ўзимизга ғамхўрлик қилишимиз зарур бўлади. Биз ўзимизга ғамхўрлик қилганимизда, бу бизга ўз қадр-қийматимиз тўйғусини ва янги кучларни баҳш этади.

- Биз тўлақонли овқатланиш соғлиқни ва кукчларни сақлаб қолишга имкон беришини биламиз.
- Дам олиш кучимизни тиклайди ва стрессга қарши курашишга ёрдам беради. Кун давомида қисқа танаффусни топишга ҳаракат қилинг, қулай жойлашиб олиб, ўз нафас олишингизга эътибор беринг. Ичингизда: «секин – чукур, нафас оламан-чиқараман, шодлик – озодлик» деб айтинг.
- Агар аввал Сиз жисмоний тарбия билан шуғулланмаган бўлсангиз, аста-секин уни бошланг. Сайр қилишни бошланг.

Бу ерда Сизнинг соғлиғингиз, организмингиз, ҳаётингиз ҳақида гап кетмоқда. Тиббий ходимларга, ОИТВ билан яшаётган бошқа кишиларга саволлар беринг.

**Сиз соғлиғингиз учун биринчи қила оладиган нарсангиз, – унга муносабатингизни танқидий кўриб чиқишидир.**

ОИТВ билан яшаётган инсонлар ичида иккита ҳаддан ошиб кетувчи тоифа бор, улар ўзининг соғлиғига ҳақиқий зарарни келтириши мумкин.

- Биринчи ҳаддан ошиб кетиш – ўз соғлиғига енгил-елпи муносабатда бўлиш, шифокорга бориш ва даволаш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай масалаларга эътибор бермаслик. Булар учун одатдаги ўзини тутиш усули – мусбат натижасини олганидан кейин дарҳол шифокорларнинг назаридан қочиш ва бир неча йил давомида ОИТВ-юқумли касаллигининг мавжудлиги ҳақида астойдил «унутиш». Асосий хавфи шундаки, натижада инсон кўпинча шифокорга жиддий касалликлари билан мурожаат қиласди, энг ачинарлиси шуки, у ушбу муаммоларнинг олдини олиши мумкин эди.

Ўзини бундай тутишнинг асосий сабаблари – ўзининг ОИТВ-мақомини қабул қила олмаслик ва уни уннутиш истагидир.

- Бошқа томонга шўнғиб ҳаддидан ошиш – ипохондрия, ўз соғлиғидан ниҳоятда хавотир олиш «ёмонлашиш» нинг аломатларини доимий қидириб юришдир. Ипохондрияning асосий иллати – доимий стресс ва кечинмалардир. Инсон ҳар қандай ҳолсизликни ОИТВ нинг намоён бўлиши, ва унинг соғлиғи ёмонлашувининг исботи, деб ҳисоблайди. Агар Сиз ипохондрияга мойил бўлсангиз – ОИТВ Сизни автоматик равишда касал қилиб қўймаслигини ҳисобга олинг. Сиз бошқа ҳар қандай инсон каби жуда чарчаб қолишингиз ёки шамоллаб қолишингиз мумкин. Бу ОИТВ-юқумли касаллиги билан ҳеч қандай боғлиқ бўлмаслиги мумкин.

## **Баъзан ОИТВ – мусбат натижали кишиларга «мўъжизали тузалиш» ни таклиф қилишади.**

Афсуски, ушбу касалликни «даволаш» орқали пул ишлашга ҳаракат қиласиган масъулиятсиз кишилар учрайди. Баъзан бу билан соғлом фикр нуқтаи назаридан қанчалик шубҳали кўринмасин, ўзи ОИТВ-юқумли касалликни тузатиш учун восита топғанлигига мутлақо ишонган, ўзи соғлом бўлмаган кишилар шуғулланади.

Лекин ҳозирги вақтда ҳеч ким ОИТВ-юқумли касаллигидан тузатишни ваяда қила олмайди. Бундай усул аслида мавжуд эмас.

## **Шифокор билан муносабатлар**

Даволовчи шифокорлар одатда ОИТС га қарши кураш ва профилактика марказларининг мутахассислари бўлади. ОИТВ билан яшайдиган кишиларнинг соғлиғи бу одамларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Сизнинг ОИТС-марказига мунтазам келиб туришингизга умуман соғлиғингиз ҳам боғлиқ бўлади.

Кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатади, ОИТВ билан яшайдиган инсоннинг ўз даволовчи шифокори билан муносабатлари унинг соғлиғига ва умри узоқлигига таъсир кўрсатади. Бу муносабатлар (бошқа ҳар қандай муносабатлар каби) доимо муваффақиятли ташкил топавермаслиги мумкин.

Кўп холларда шифокорлар билан муносабатлардаги муаммолар, соддагина қилиб айтганда, бемор ва шифокор бир-бирини тушунмаслиги ва қабул қилмаслиги билан боғлиқ. Баъзида асосий сабаби – шу жумладан bemornинг томонидан, рўёбга оша олмайдиган истаклардир. ОИТВ билан яшаётган кишиларга ёрдам берәётган шифокорларнинг кўпчилиги, ҳатто агар уларнинг иши кўпбўлса ҳам, жаҳли чиқаётган бўлса ҳам, уларнинг ҳаммага вақти етмайдиган бўлса ҳам, ўз bemorларининг тақдири ҳақида қайфуради.

Шифокордан мўъжизаларни кутиш керак эмас, лекин тиббиётнинг пасив объекти бўлиш ҳам яхши эмас.

Биз шифокорга келганда Сизга мумкин қадар кўпроқ фойда олишга ёрдам бера оладиган бир неча тавсиялар бермоқчимиз:

Билимларни эгалланг, ОИТВ-юқумли касаллиги ва уни даволаш билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани ўрганинг. Бунда Сиз шифокор нима ҳақида гапираётганини яхшироқ тушунасиз.

- Шифокорга бериладиган саволларнинг рўйхатини аввалдан тайёрланг (ёзма шаклида бўлгани яхшироқ).
- Уларни шифокор билан мурожаат қилишни унутмаслик учун, ҳар қандай ҳолсизликлар, аломатлар, шунингдек Сиз қабул қиласиган дориларни ёзиб боринг.
- Яқин кишининг ёки дўстингиздан Сиз билан бирга шифокорга бориб келишни сўранг.
- Саволларга батафсил ва тўғри жавоб беришга ҳаракат қилинг.
- Шифокорнинг оғзаки тавсияларини ёзиб боринг.
- Агар Сизда саволлар пайдо бўлса, уларни беришдан уялманг, ахир бу ерда Сизнинг соғлиғингиз ҳақида гап кетмоқда.

## **Алоҳида эҳтиёжлар: ОИТВ билан яшаётган аёл фарзанд кўриши мумкинми?**

Сиз ОИТВ – мусбат натижали бўлишингиз Сиз фарзанд туға олмайсиз, дегани эмас. Эҳтимол, Сиз ҳозирча ҳомиладорликни режалаштирмайсиз, чунки Сиз ОИТВ билан яшашга ўрганиб олишингиз лозим. Балки, Сиз маълум вақт кутиб туриб, ўз соғлиғингиз даражасини кўрмоқчисиз.

Балки, Сиз ундан аввал үз таълим олишингизни тугатмоқчисиз. Бу оқилона қарорлардир. ОИТВ билан яшаётган аёлларнинг асосий кўпчилигида соғлом болалар туғилса ҳам, баъзи болалар (тўлиқ профилактика қилинган ҳолда кўпи билан 1-2%) ОИТВ билан туғилади. Бу ҳаётнинг ҳақиқати, лекин бу ҳолат Сизга чақалоқ туғилиши юзасидан қарор қабул қилишга албатта тўсқинлик қилиши шарт эмас. Сизга тиббий ходимлар берадиган тавсияларга риоя қиласангиз, соғлом чақалоқ туғилишининг эҳтимоли жуда катта (98% дан ортиқ).

### **Агар ҳомиладорлик пайтида Сизда ОИТВ-юқумли касаллиги борлигини билсангиз**

Баъзи аёлларга ҳомиладорлик пайтида ОИТВ-юқумли касаллиги ташҳиси кўйилади. Уларга нафақат бўлғуси боланинг соғлиғи ҳақида қайғуриш ва кечинмаларини бошидан кечириш, балки бу ҳақда үз шериклари билан гаплашишга ҳам тўғри келади.

Кўпгина ОИТВ билан яшаётган аёлларнинг ОИТВ-манфий натижали шериклари уларни қўллаб-кувватлашга тайёр бўлиб, ғамхўрлик қилса ҳам, жаҳли чиқиб, айблайдиган гапларни гапиришни бошлайдиганлари ҳам учрайди. Бундай ҳолларда, агар имкони бўлса, оилавий муносабатларнинг мутахассиси: психолог ёки психотерапевтнинг касбий ёрдамини олиш мухим бўлади. Қанчалик афсус бўлмасин, баъзи ОИТВ-мусбат натижали аёллардан шериклари, яқинлари воз кечган. Баъзи аёллар уларга вирус шеригидан юққанлигини билган, лекин шунга қарамай, унга ОИТВ юққанлиги аниқланганда, шериги ва унинг оила аъзолари ундан юз ўтирган. Кўп аёллар ўзининг ташҳиси ҳақида үз шеригидан аввалроқ билган. Улар унга ҳеч қачон хиёнат қилмагани учун шок ҳолатига тушар эди.

ОИТВ билан яшаётган аёллар бутун ОИТВ-мусбат натижали жамоа билан биргалиқда ушбу касаллик билан яшаётган ҳамма кишиларга нисбатан душманона муносабатга қарши чиқадилар.

*«Баъзан кишилар бошқаларга үз ташҳисини айтишга қўрқади, чунки улардан юз ўтириб кетишади, деб ҳисоблайди. Уларнинг ўзи, агар сени шундай аҳволга қўймаса, яшashi осонроқ бўлади, деб қарор қилди. Мен*

яшириниш ва ҳаммадан қочиши – нотўғри ва зарарли деб ўйлайман. Қачондир Сизга учрайдиган эркак Сизга ёқиб қолади. У Сизнинг ОИТВ-мусбат натижали эканлигингизни билганда, нима бўлади? Тўғри, эҳтимол, у кетиб қолади.

Лекин, агар укетиб қолса, Сизга нима фарқи бор? Демак, уни танишнинг кераги йўқ эди. Лекин у кетиб қолмай, Сиз билан қолишининг эҳтимоли бор. Агар Сиздан юз ўғириб кетиши мумкинлигидан қўркувингизни енгиб ўтмасангиз, бунга ҳеч қачон ета олмаган бўлар эдингиз».

ОИТВ-мусбат натижали аёл, Австралия

## Янги баҳт

Ҳеч ким ОИТВ билан яшаш осон, деб айта олмайди. Лекин ҳаммаси доимо ёмон ва қайғули бўлавермайди. Ҳеч бир аёл ўз хоҳиши билан ОИТВ ни юқтиргмаган. Шунга қарамай, бу ташҳис бутун умрини қайта баҳолашга ёрдам беради. ОИТВ юққанлиги хабарини билганидан кейин, кўпчилик аёллар эндиликда ким билан бўлмасин, яқин муносабатлари бўлмайди, деб ўйлайди. Лекин бу қайғули тўйғулар ўтиб кетади, кимдир янги муҳаббатини топади, кимдир яқинларига бошқача кўз билан қарайди, ҳар бир яшаб ўтган кунини бутун тўлақонли туйғулари билан ҳис этади.

## Ҳавфсиз жинсий алоқалар – нафақат ўз шеригига, балки ўзига ҳам ғамхўрлик қилишдир

Ҳавфсиз жинсий алоқаларни амалга ошириб,  
Сиз бирданига иккита вазифани ҳал этасиз

Ўзингизни ҳимоя қиласиз

Ўз шеригингизни ҳимоя қиласиз

### Ўзини ҳимоя қилиш

Ўзини бошқа вируслардан ва жинсий йўл билан юқадиган касалликлардан ҳимоя қилиш жуда муҳим, улар Сизнинг иммун тизимингизни заифлаштириши мумкин.

### Ўз шеригини ҳимоя қилиш

Агар жинсий аъзодан ажралмаларда ёки қонда бўлган вирус, шиллик пардаларда микрёриқлар орқали шеригининг қон томирларига тушиб қолса, ОИТВ жинсий йўл билан юзиши мумкин.

Таркибида ОИТВ бўлган суюқликлар билан алоқани истисно этиб, вирус ўтишининг олдини олиш мумкин. Бунинг учун жинсий алоқалардан воз кечиш ёки ҳар бир жинсий алоқада презервативдан фойдаланиш керак. Жинсий алоқанинг жароҳат етказишини камайтириб, вирус юзишининг хавфини камайтириш мумкин: бунинг учун презерватив билан биргаликда, любрикантлардан (сув асосида мойлаш воситаларида) фойдаланиш керак, бу ишқаланишни ва шиллик парда жароҳатлари пайдо бўлишининг эҳтимолини камайтириш имконини беради.

**ОИТВ латексдаги ғоваклар орқали ўтадиган даражада кичик, деган маълумот нотўғри.** Вируснинг ўлчами ҳақиқатан кичик, лекин у организмга фақат вирус бўлган суюқликнинг ичида бўлгандагина кириб олиши мумкин, презерватив эса суюқликларни ўтказмайди. Шунинг учун презерватив 98% ҳолларда ОИТВ ўтишининг олдини олади. Қолган 2% эҳтимоллиги презервативлардан нотўғри фойдаланиш ва (ёки) сифатсиз презервативлардан фойдаланиш ҳолатларидир.

Бирданига хавфсиз жинсий алоқалар қилиш ва презервативлардан фойдаланишни бошлаш осон бўлавермайди. Биратўла ҳаммаси яхши чиқмаслиги ҳам мумкин. Хавфсиз жинсий алоқалар – доимий такомиллашиб бориш йўлидир. Тажриба ошган сари ўзингизга ишонч ҳам пайдо бўлади.

## Учинчи боб

# Мусбат натижали ҳомиладорлик

Ҳомиладорлик – кичик инсон туғилишини кутишнинг баҳтли давридир. Шунинг учун биз бу ҳақида аёлнинг ҳаётидаги мусбат, ижобий ҳолат сифатида гапирамиз.

Кўпгина ОИТВ-мусбат натижали кишилар ота-она бўлишни хоҳлади, ёки ота-она бўлишга ултурган. Ўз авлодини давом эттириш (ёки ундан воз кечиш) қарори доимо кимнингдир қарори эмас, ўзингиз ва шеригингизга тегишли бўлиши керак. Ҳеч ким ва ҳеч қачон фақат Сизда ОИТВ борлиги учун, Сизга тазыйик ўтказишга ҳаққи бўлмайди.

Аёл замонавий тиббиётда бола учун ва унинг отаси учун хавфини анчагина камайтириш борлигига ишона олади, мавжуд даволаш туфайли ОИТВ бўлган кишиларнинг ўзи ҳам борган сари узоқроқ яшайди ва узоқроқ соғлом бўлиб қолади. Қолган ҳаммаси фақат Сизга боғлиқ бўлади.

ОИТВ фақат бир кишида бўлган жуфтликларда, бўйида бўлиш иккинчи турмуш ўртоғига ОИТВ юқиш хавфи билан боғлиқ бўлади.

Бу муаммони ҳал этишнинг турли йўллари бор:

- Баъзи жуфтликлар умуман биологик тарзда бўйида бўлишдан воз кечади. Масалан, болани ўғил (қиз) қилиб олмоқчи бўлади, лекин баъзи давлатларнинг қонунчилигига биноан, афсуски, ОИТВ билан яшаётган кишилар болани ўғил (қиз) қилиб олиши мумкин эмас. Лекин, бу ҳолда ОИТВ-манфий натижали турмуш ўртоғи болани ўғил (қиз) қилиб олиши мумкин.

- ОИТВ фақат эркакларда бўлган бошқа жуфтликлар ўзга кишининг спермаси билан сунъий уруғлантиришга ҳаракат қиласи.

Бу ҳолда аноним донорлар спермасининг банки бўлган маҳсус клиникага мурожаат қилиш мумкин. Шунингдек, эркак томонидан қариндоши ёки таниши донор бўлиши мумкин.

• Кўп кишилар учун биологик ота-она бўлмаслик фикрининг ўзи умуман тўғри келмайди. Бу ҳолда ҳам жуфтлик бўйида бўлиш пайтидаги хавфини камайтириши мумкин. Тиббий аралашувсиз фақат хавфни камайтириш мумкин, лекин уни тўлиқ йўқ қилиб бўлмайди. Масалан, агар эркакда терапия қабул қилиши сабабли вирус юкланмаси аниқланмайдиган даражада бўлса, иккала шерикда жинсий йўл билан юқадиган касаллик бўлмаса, у ҳолда хавфи жуда кам бўлади, лекин у барибир мавжуд бўлади. Шунингдек, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ва аёлнинг бачадон бўйинчалик эрозиясини истисно этган ҳолда, фақат овуляция даврида хавфли жинсий алоқани амалга ошириб, хавфни камайтириш мумкин. Лекин барибир хавф борлигини тушуниш муҳим, ва иккала шерик шу хавфга рози бўлиб, тайёр бўлиши лозим. ОИТВ-мусбат натижали эркак «спермасини тозалаш» амаллари мавжуд, у бўйида бўлиш пайтида аёл учун юқиш хавфини амалда тўлиқ йўқ қиласди. Ҳозирча бу амаллар чет эл давлатларида кўлланади, афсуски, Россияяда ҳозиргacha унинг бажарилиши мумкин эмас, лекин вақт ўтиб, бу ҳолат ўзгариши мумкин.

• Агар боланинг онасида ОИТВ бўлмаса, бўйида бўлганидан кейин унга вирус ўтиши мумкин эмас. Отасининг ОИТВ-мақоми бу ерда ҳеч қандай аҳамиятига эга эмас. Вирус болага фақат онасидан ўтиши мумкин, лекин бу ҳолда ҳам хавфни имкони борича камайтириш мумкин.

• Агар жуфтлика ОИТВ-мусбат натижали аёл бўлса, вазият осонроқ бўлади. Одатдаги жинсий алоқада эркак учун хавф уччалик катта эмаслигини ҳисобга олиб, баъзи жуфтликлар бор-йўғи аёлда овуляция (бўйида бўлиш имкони бўлган пайт) даврида презервативсиз жинсий алоқа қиласди. Лекин, шеригининг спермаси билан сунъий уруғлантириш қилганда, бу хавфни тўлиқ йўқ қилиш мумкин.

---

Ҳомиладорлик юзага келганда ОИТВ билан яшаётган аёлларни бошқа барча аёллар каби нарсалар ташвишга солади: оиладаги муносабатлар, ҳомиладорликнинг кечиши, боланинг соғлиғи, молиявий ва турар жой шароитлари. Барча масалаларни эслашга ҳаракат қилинг, барча муаммолар фақат ОИТВ-мақомидан иборат, деб ўйламанг. Уларнинг ягона фарқи – борага ОИТВ ўтишининг эҳтимолидир.

Биз вирус болага ҳомиладорлик, туғруқ ёки кўкрак сутини эмизиш пайтида ўтиши мумкинлигини биламиз. Шунга қарамай, ОИТВ-мусбат натижали аёлда ОИТВ-манфий натижали фарзанд туғишининг эҳтимоли катта бўлади.

Ҳомиладорлик ва туғруқ пайтида вирус ўтишининг олдини олиш учун Сизга маҳсус профилактика курси тайинланади, одатда у учта ретровирусга қарши препаратлардан (РВҚ-препаратлар) иборат бўлади.

- Ҳомиладорлик пайтида уларни қабул қилиш тахминан ҳомиладорликнинг 28-ҳафтасидан бошланади. Баъзи ҳолларда, вирус юкланмасининг юқори кўрсаткичидан, препаратлар олдинроқ муддатларда тайинланади.

- Шунингдек, Сизга туғруқ пайтида томир ичига киритиш учун капельницада препаратни тайинлашади,

- ва туғилганидан кейин чақалоқча маҳсус дориларни беришади.

Агар Сиз ОИТВ-юқумли касаллигини даволашга муҳтож бўлмасангиз, РВҚ-препаратлар болага юқиш хавфини камайтириш учун керак бўлади.

Агар даволаш ўзингизга керак бўлса, ҳомиладорликнинг муддатидан қатъи назар, ретровирусга қарши дориларни қабул қилишни имкони борича тезроқ бошлаш тавсия этилади.

**Шунинг учун ҳомиладорликнинг ilk муддатларида ёрдам учун мурожаат қилиш шунчалик мухим бўлади!**

Ретровирусга қарши препаратлар яхши ўрганилган, ва уларнинг кўпчилиги ҳомиладорлик пайтида қўллаш учун ва янги туғилган чақалоқ учун хавфсиз бўлади. Улар болага зарар етказмайди.

Лекин баъзи ретровирусга қарши препаратларни ҳомиладорлик пайтида қабул қилиш мумкин эмас. Шунинг учун, агар Сизга ОИТВ-юқумли касалликни даволаш белгиланса – шифокор билан ҳомиладорликни режалаштириш ҳамда унинг даврида терапияни қабул қилиш имкониятларини муҳокама қилинг.

---

ОИТВ бўлган аёлда бола туғилишининг оптималь усули юзасидан узил-кесил, ягона фикр мавжуд эмас. Баъзилар хавфни камайтириш учун қорнини ёриб бола олишни тавсия қиласди.

Лекин бу қорин бўшлиғидаги жарроҳлик бўлиб, аёлнинг соғлиғи учун хавфли бўлиши мумкин бўлган қон кетиши ва операциядан кейинги юқумли касалликлар хавфи бўлишини англатади. Шунинг учун, агар аёлда қорнини ёриб бола олиш учун бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ва унинг вирус юкланмаси паст бўлса, кўпчилик шифокорлар табиий тувишни тавсия этади.

Агар ҳомиладорлик даврида вирус юкланмасини паст даражагача камайтиришга эришилмаса, қорнини ёриб бола олиш РВҚ-терапияяг қўшимча бўлиб, туғруқ пайтида болага юқишнинг хавфини камайтириши мумкин.

- Гиёхвандлик воситаларини, алкоголни истеъмол қилиш ва сигарет чекиши болага ОИТВ ўтишининг хавфини оширади, ва уларга йўл қўймаслик яхшироқ бўлади. Агар Сиз ҳомиладорликни энди режалаштирсангиз, ҳаётингиз эса гиёхвандлик воситалари ва алкоголни истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлса, Сиз сигарет чексангиз, балки, Сиз гиёхвандлик воситаларига тобелик ёки бошқа тобелик юзасидан ёрдам олиш учун мурожаат қилишни ўйлаб кўрсангиз арзиди.

- Ҳомиладорлик пайтида ўз овқатланишига ғамхўрлик қилиш лозим – бу ҳам бола ОИТВ-мусбат натижали бўлиб туғилишининг эҳтимолини камайтиради.

- Стрессларга йўл қўймаслик, кўпроқ дам олиш яхшироқ бўлади.

Баъзи витаминлар боланинг ривожланиши учун фойдали бўлиши мумкин. Фақат витаминлар ҳам дори эканлигини, уларни шифокор тайинлаши лозимлигини унутмаслик керак.

### **Ҳомиладорлик тақвими: кундан-кунга...**

Биз Сиз ва Сизнинг чақалоғингиз, унинг туғилишини кутишнинг бутун даври мобайнида нима бўлаётганлиги ҳақидаги билимларимизни ўртоқлашмоқчимиз, ва Сизга бу ҳақда билиш қизиқарли бўлади, деб умид қиласиз. Балки, Сиз маслаҳатларимизга қулоқ тутишни истайсиз. Улар Сизга вазиятдан яхши хабардор бўлишга ёрдам беради, деб ишонамиз.

## ● БИРИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Үруғлантириш натижасида тухум ҳужайраси зиготага айланди – бу Сизнинг бўлғуси болангизнинг биринчи ҳужайрасидир, у онаси ва отаси ҳақидаги генетик маълумотни ўз ичига олган.

### Буни билиш мұхим

Сиз организмда бирор-бир ўзгаришларни сезмасанғыз ҳам, улар содир бўла бошлади. Сизга бир неча маслаҳат:

Овқатланинг! Тўлақонли ва мувозанатли овқат – ўз соғлиғингиз ва чақалоқ соғлиғининг гаровидир Илтимос, ҳомиладорликнинг биринчи ҳафталаридан бошлаб, тамаки, алкоголь, гиёхвандлик воситаларидан воз кечишга урининг. Бу мұхимдир!

Ҳомиладорлар учун мультивитаминаларни қабул қилиш мүмкін.

Бу даврда фолий кислотаси айниқса фойдали бўлади. У ҳомиланинг асаб тизимининг тўғри ривожланишига ёрдам беради.

Тоза ҳавода сайд қилиш учун вақт ажратинг.

## ● ИККИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Ҳомила ўта тез ривожланмоқда. Ҳар куни – катта ўзгаришлар.

Битта ҳужайрадан эндилиқда юзлаб ҳужайралардан иборат бўлган шарча ҳосил бўлди (у тиббиёт тилида бластоциста деб аталади). Ҳужайралардан баъзилари яқинда эмбрионга айланади, бошқалари унинг ҳаётини таъминлаш учун фиалият юритади. Бу «шарча» ҳали сезилар-сезилмас бўлиб, унинг ўлчами диаметрида 0,1–0,2 мм га яқин бўлади. Бластоциста аста-секин бачадонга кириб ўзлашиши бошлайди (шу пайтда аёлнинг организмида янги ҳайз кўриш бошланишига тўсқинлик қиласидиган махсус гормон ишлаб чиқарила бошлайди).

### Буни билиш мұхим

- Иккинчи ҳафта – ҳомиладорлик учун тест қилишнинг энг яхши пайтидир. Уй шароитида дорихоналарда сотиладиган тестлардан фойдаланиш мүмкін. Тест ҳомиладорлик гормонини аниқлашга асосланган,

унинг концентрацияси сийдикнинг биринчи эрталабки порциясида энг кўп бўлади, шунинг учун тестни эрталаб ўтказиш яхшироқ бўлади.

- Тиббий муассасада қон ёки сийдикни таҳлил қилиб, унда ҳомиладорлик гормони – хорионал гонадотропиннинг мавжудлиги аниқланади.

- Агар Сиз ОИТВ билан яшаётганингизни билсангиз ва ретровирусга қарши даволашни олаётган бўлсангиз, шифокор билан бирга ўзингиз учун ҳам, бўлғуси бола учун ҳам оптимал бўлган даволаш схемасини танлаш, ва унга ОИТВ-юқумли касаллиги ўтишининг олдини олиш учун барча керакли чораларни кўриш учун тиббий ёрдам олишга мурожаат қилиш муҳим бўлади.

## ● УЧИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Ҳомиладан ташқари аъзолар деб аталағиган тўқималар фаол ривожланиди. Уларнинг вазифалари – ҳомиланинг озиқланиши, нафас олиши, био-кимёвий кўмаклашув ва ҳимоясини таъминлашдир.

### Буни билиш муҳим

Кўкрагингиз қорнингиздан анча аввалроқ пайдо бўлган ҳомиладорлик ҳақида билдириб қўяди. У озигина катталашади, ва энг биринчи туйғулар Сиз одатда ҳайз кўриш циклининг иккинчи ярмида сезадиган туйғуларга ўхшаб кетади. Бу даврда кўкрак безларининг шишиб кетиши бошланади ва кўкрак учларининг сезгирилиги ортади.

- Агар Сиз ОИТВ-юқумли касаллиги юзасидан даволашни қабул қиласангиз, даволовчи шифокор билан аввалдан маслаҳатлашмай туриб, препаратларни қабул қилиши тўхтатиш мумкин эмас.

- Агар Сиз РВҚ-терапияни қабул қиласангиз, ва биринчи уч ойи ичida ҳомиладорлик аниқланса, албатта шифокор билан Сиз қабул қилаётган даволашнинг афзалликлари ва хавфларини муҳокама қилинг. Шифокор зарур бўлганда даволашнинг схемасини ўзгартиришни тавсия қилиши мумкин.

- Агар Сиз уч ойдан кўпроқ ўтганда ҳомиладорлик ҳақда билса нгиз, даволашнинг схемасини ўзгартиришнинг аҳамияти йўқ.

## ● ТҮРТИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Бу ҳафтада ҳомила тухуми эмбрионга айлана бошлады. Ҳомила баргчалари деб аталадиган тұқымаларнинг учта тури (хужайра қатламлари) ҳосил бўлади, улар турли тұқымалар ва аъзоларнинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қиласди.

- Ички баргча ўпка, жигар, озик-овқат ҳазм қилиш тизими, ошқозон ости безининг шаклланиши учун жавоб беради.
- Ўртадаги баргчадан скелет, мушак тизими, буйраклар, қон томирлари ва юрак ривожланади.
- Ташқи баргчадан – тери, соchlар, кўз гавҳарлари, тиш эмали, асаб тизими ривожланади.
- Бошчаси шаклланади – у томчи ёки кўз ёшидек мўрт бўлади. Бола 1,5–2 см узунликдаги ширин қиёфали найчага ўхшаб қолади.

### Буни билиш муҳим

Бу гинеколог шифокорга боришининг энг яхши пайтидир!

- Аёллар маслаҳатхонасига мурожаат қилинг, у ерда Сизни гинеколог шифокор кўриб чиқади, ва текширишларни белгилайди.
- Агар Сиз ОИТС га қарши кураш ва профилактика марказида рўйхатда турсангиз, даволовчи шифокордан маслаҳат олинг. У ҳам боланинг соғлом туғилиши учун текширишларни белгилайди.
- Агар Сизда ОИТВ борлигини биринчи марта билган бўлсангиз, ОИТС га қарши кураш ва профилактика марказига мурожаат қилиш муҳим бўлади. Сиз ва Сизнинг болангиз ёрдам ва кўмак олишга муҳтож!

## ● БЕШИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Унинг орқа найи ва най бўйлаб асаб найчаси – умуртқа ва орқа миянинг бошланғич муртаклари кўринарли бўлади. Аста-секин қон томирлари шакллана бошладиди. Бу ҳафтанинг давомида жигар ва ошқозон ости безининг муртаклари пайдо бўлади.

Ҳафтанинг охирига келиб Сиз қабул қилаётган фолий кислотаси асаб толаларининг ривожланишига ва уларнинг бирикишига хизмат қиласди.

Эмбрионнинг узунлиги 1,5–2,5 мм ни ташкил этади.

### Буни билиш мухим

- Шу даврда бош оғриғи, тез-тез сийиш, уйқуга мойиллик, иштаҳанинг пасайиши, күнгил айниши, қусиши бўлиши мумкин.
- Агар Сиз ўзингизда жинсий йўл билан юқадиган касалликлар (ЖЙЮК) аломатларини сезган бўлсангиз, ёки улар юқсан бўлиши мумкинлигидан шубҳаланссангиз, шошилинч тарзда шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

### ЖЙЮК нинг асосий аломатлари:

- жинсий аъзоларнинг соҳасида қичишиш, ачишиш;
- жинсий аъзолардан ёқимсиз ҳидли ёки ғалати рангли ажралмалар;
- сийишнинг оғриқли бўлиши.

### ЖЙЮК ларни даволаш мумкинми?

- Энг кўп тарқалган жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг кўпчилигини: сўзак, сифилис (захм), хламидиоз ва бошқалар – бемалол даволаш мумкин.
- Жинсий йўл билан юқиши мумкин бўлган касалликлардан баъзилари: герпетик, цитомегаловирусли, папилломавирусли юқумли касалликлар, В гепатитини даволаш қийинроқ бўлади, ва бир қатор ҳолларда тўлиқ даволанишига эришиш мумкин эмас. Аммо бу замонавий тиббиёт Сизнинг болангизга ёрдам бера олмайди, дегани эмас. Болага юқишининг олдини олиш мумкин, лекин фақат шифокорга ўз вақтида мурожаат қилганда!

### ● ОЛТИНЧИ ҲАФТА

#### Чақалоқ

Боланинг организмида буюк ўзгаришлар шунчалик кўпки! Ҳомиланинг асаб найчаси тўқималарга тўлиб қолган, ва унинг учидаги бош мияси шакллана бошлайди. Бўлғуси юзининг ён томонларида иккита кичик пиёласимон шакллар пайдо бўлади, ҳар бирининг ичидаги – жажхигина пигментли диск бор. Бу кўриш пуфакчалари бўлиб, кейинчалик улар боланинг кўзларига айланади.

Йўлдош ривожлана бошлайди, боланинг бўғзи ва ички қулоғи ҳам шаклланиб боради. Кейинчалик қўлчалари ва оёқчаларига айланаб шаклланадиган жажжи ўсимталар ҳам бор. Ушбу босқичда ҳомиланинг юраги жуда кичик найчадан иборат. Лекин бу жажжи юракча ура бошлайди! Эмбрионнинг узунлиги – 2–4 мм.

## Буни билиш мұхим

Агар Сиз бошланғич токсикозга учраган бўлсангиз, бу ҳафтага келиб кўнгил айниши кучайиши мумкин.

### Токсикозни қандай қилиб енгish мумкин:

- Меваларнинг шарбатларини (яхшиси лимон ва ананас шарбатларини) гази бўлмаган минерал сувни ичинг, янги меваларни, сабзавотларни еб туринг.
- Озгина, лекин тез-тез (кунига 6–7 марта), ҳар 2–3 соатда овқатланишга ҳаракат қилинг.
- Ёкимсиз ва ачиштирувчи хидлар (парфюмерия, овқат хидлари) ва таъм туйғуларини сезмаслик учун улардан қочишга ҳаракат қилинг .
- Агар мумкин бўлса, ўрнингиздан турмай, эрталабки нонушта қилинг.
- Ётоғингизнинг ёнида қуруқ крекерлар ёки печенье турадиган бўлса, ўрнингиздан туришдан аввал бир-иккитасини еб олинг.

Токсикознинг аломатлари кучли намоён бўлса (кунига уч мартадан ортиқ, қусиши, овқат ея олмаслик) шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

### ● ЕТТИНЧИ ҲАФТА

#### Чақалоқ

Унунг узунлиги 7–9 мм га етди! Боланинг жажжи юзи шакллана бошлади, бетлари, кўзлари (рангдор пардаси), оғзи, бурнининг муртаклари пайдо бўлмоқда. Ҳатто митти бурун тешилларини ҳам кўриш мумкин. Қўй ва оёқларнинг муртаклари пайдо бўлганидан бир ҳафтагина ўтди, лекин қўлчалари қаерда, елкалари қаерда бўлишини билиб олиш мумкин. Қизилўнгач, трахея ва қориннинг олд девори ривожланиши давом этмоқда. Ингичка ичак ва туш суганинг шаклланиши бошланади. Жуда мұхим эндокрин бези бўлган буйрак усти безларининг пўстлоқ қисмининг муртаги пайдо бўлмоқда. Бош мияси ҳам интенсив ривожланаяпти. Лекин энг асосийси – бола қимиirlай бошлади!

Аммо, у ҳали ҳам жуда кичик бўлгани учун, онаси ҳозирча унинг ҳаракатларини сеза олмайди.

## Буни билиш мұхим

Бу даврда кўкрак безларининг учларидаги рангли доиралар қораяди (ҳомиладорлик гормонларининг таъсир этиши сабабли).

ИКатта юкланишлар ва жароҳатлар билан кечадиган вазиятларга йўл қўйманг (спорт машғулотлари, оғир юклар ни кўтариш ва ҳоказо). Бу йўл-дошнинг патологиясига (унинг бутунлиги ва ҳимоя функцияси бузилишига) олиб келиши мумкин, бунда онадан болага ОИТВ-юқумли касаллиги ўтиши мумкин бўлади. Агар Сизда ножӯя ҳолат бўлиб қолса, шифокорга маслаҳат ва ёрдам олиш учун мурожаат қилинг.

### ● САККИЗИНЧИ ҲАФТА

#### Чақалоқ

Митти қўлчаларда ва оёқчаларда жажжи бармоқчалар ҳосил бўлади, қўлчаларнинг ўзи ҳам тирсаклари ва билакларида букила бошланади. Бўйининг иккала томонида қулоқ чиғаноқлари шакллана бошлайди, бо-ланинг юзида устки лаби пайдо бўлади, бурнининг шакли намоён бўла бошлайди, оғзи ҳам шаклланди.

Боланинг тили ҳам бор. Кўзлари ҳали ҳам бир-биридан узоқда жойлашган, лекин кўз қовоқлари пайдо бўлишига ишора кўринади. Юракнинг бў-лимлари ўртасида деворлар такомиллашиб боради. Ошқозон пастга силжийди ва ўзининг жойига – қорин бўшлиғига келиб қолади. Сўлак безларининг муртаклари пайдо бўлиши юз беради. Бўғимлари фаол шаклланади. Чакалоқ катта одамга анча ўхшаб кетади. Юраги уради, ошқозон ҳам ошқозон ширасини ишлаб чиқаради, буйраклари ишлай бошлайди. Агар бола ўғил бўлса, ушбу ҳафтада унинг мояклари шакллана бошлайди. Чакалоқнинг бўйи бошининг тепасидан думбасигача – 9 дан 11 мм гача бўлади.

#### Буни билиш муҳим

- Бу ҳафтада гинекологнинг кўригидан ўтишни бошлаш лозим.

Шифокор ҳомиладорликнинг кейинги кечиши ва туғруқ юзасидан Маълумотни, шу жумладан, туғруққа тайёрланиш курсларини қаерда ва қачон ўтиш мумкинлиги ҳақида маълумотни беради.

Тешиб кирадиган ҳар қандай тадқиқот усуулларига йўл қўймасликка ҳаракат қилинг (тери ёки шиллик пардаларнинг жароҳатланиши билан ба-жариладиган ҳомиланинг ҳолатини текшириш усууллари, масалан, амниоцентез, хорион тукчалари синамаларини олиш).

## ● ТҮҚҚИЗИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Чақалоқ бөш миясининг интенсив ривожланиши кетмоқда. Бу ҳафтага келиб миячанинг шаклланиши бошланади (харакатларнинг координацияси-ни таъминлайдиган миянинг қисми).

Бүйрак усти безларининг мия қисмининг муртаклари пайдо бўлади. Боланинг юзини ҳам кўриш мумкин. Унинг даҳани ҳали ҳам кўкрагига ёпишиб туради. Эндилиқда чақалоқнинг мушаклари ва тирсаклари бор. У аста-секин қимирлай бошлайди, лекин ҳозирча буни фақат ультратовуш ёрдамида аниқлаш мумкин.

Кўллари ва оёклари: кафт ва товон бармоқлари фаол шаклланиб бормоқда. Суяк ва бўғимлари мустаҳкамланиб боради.

Эмбрионнинг узунлиги – 22–30 мм, вазни – 4 г га яқин.

### Буни билиш муҳим

- ОИТС га қарши кураш ва профилактика марказининг шифокори билан Сизнинг ҳолатингизда профилактика қандай ўтказилишини муҳокама қилиш керак.
- РВҚ-профилактика бошланишига тайёрланинг.
- Дориларни қабул қилиш режимига қатъий риоя қилиш лозим.

Фақат шундай ҳолатда болага ОИТВ ўтишининг хавфини камайтириш ва вируснинг ретровирусга қарши дори воситаларига чидамлилигини ҳосил қиласлик мумкин бўлади.

**Қатъий мойиллик** – бу РВҚ-препаратларни шифокор томонидан белгиланган схемага мувофиқ қабул қилиш:

- маълум вақтда,
- маълум дозасида,
- тавсия этилган овқатланиш режимига риоя қилинганда.

Қатъий мойилликлар риоя қилинмаганда, ОИТВ фаоллашади ва болага юқумли касаллик ўтишининг хавфи ортади.

## ● ЎНИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Ўнинчи ҳафта – бу Сизнинг болангиз учун ўзига хос бошланғич нуқтадир. Тананинг энг асосий параметрлари қарор топган, ва кейинги 6,5 ой даво-

мида ҳужайралар-ғиштлар унинг «қурилишини» якунлайди. Бармоқлари бир-биридан ажралиб бўлган, тишларнинг муртаклари пайдо бўлади.

«Думчаси» энди йўқ (у шу ҳафтада йўқолади). Миянинг ривожланиши давом этади, бунда у мўъжизали тезлик билан ўтади: ҳар бир дакиқада чорак миллион янги нейронлар пайдо бўлади. Шу пайтдан бошлаб, ҳомиланинг узунлиги – вазнига нисбатан анча ишончлироқ кўрсаткичга айланади. Агар бола бачадоннинг деворига тегса, ундан итариб қочиши мумкин!

Ташқи жинсий аъзолари шакллана бошлайди. Боланинг кўзлари уларнинг ривожланаётган тузилмасини ёруғликдан ва қуруқликдан ҳимоя қиласидиган кўз қовоқлари билан ёпилган (25–27 ҳафтасигача шундай давом этади).

Яқинда болангиз ўзининг бош бармоғини сўра бошлайди.

Боланинг вазни ҳозир 4 г дан ортиқ. Унинг узунлиги 27–35 мм га яқин бўлади.

### Буни билиш муҳим

- Ҳомиладорликнинг бу муддатида тер безларининг фаоллиги ошади.
- Кўкрак учлари атрофидаги соҳада тариқ уруғидай катталикдаги тугунчалар – катталашган тер безлари пайдо бўлиши мумкин.
- Сизнинг вазнингиз аста-секин ошиб боради.

### Шишиб кетиш пайдо бўлмаслиги учун, ўз вазнини назорат қилиш лозим:

- кичилган ва ажраладиган суюқликнинг миқдорини назорат қилинг;
- организмда суюқлик қолишининг биринчи аломатлари бўлганда (кўл кафтлари ва болдиrlарининг шишиб кетиши) акушер-гинекологга мурожаат қилиш лозим, чунки бундай аломатлар ҳомиладорлик ривожланишининг бузилиши ва асоратлар – токсикоз ривожланишининг сигнал белгиси бўлиши мумкин.

Шифокор мос келадиган парҳезни ёки, агар зарур бўлса, касалхонада даволашни тавсия этиши мумкин

- Вазнининг ортиши шунингдек овқатланиш бузилишининг оқибати бўлиши мумкин.

ОИТС-марказининг мутахассиси билан, лаборатория таҳлилларини ҳисобга олиб, даволаш схемасини белгилашни ёки мавжуд схемага ўзгартиришлар киритилишини муҳокама қилинг.

### ● ЎН БИРИНЧИ ҲАФТА

#### Чақалоқ

Бу ҳафта эмбрионал даврнинг якунланишини билдиради: эндиликда бўлғуси бола ҳомила деб аталади. Митти организмнинг ичидаги аъзолари ривожланади. Ҳомиланинг ташқи кўриниши ҳали ҳам ғалати: қўлчалари оёқчаларидан сал узунроқ бўлиб кўринади (чунки улар тезроқ ривожланади), бошининг ўлчами эса бутун тананинг ярим ўлчамини ташкил этади. Бу боланинг мияси ўта тез ривожланиши билан боғлиқ. Вазни – «ниҳоят» 7 г.!

#### Буни билиш муҳим

- Сизда кайфиятингиз доимий ўзгариб туриши мумкин.
- Ёмон нарсаларни ўйламасликка ҳаракат қилинг!
- Сизга ижобий ҳис-туйғулар керак!
- Юз берәётган нарсаларни яқин кишиларингиз билан муҳокама қилинг.
- Имкони борича тез-тез сайр қилинг.

### ● ЎН ИККИНЧИ ҲАФТА

#### Чақалоқ

Чақалоқнинг юзи борган сари бизга таниш қиёфада бўлиб қолади. Қўлчаларида ва оёқчаларида тирноқлар шакллана бошлайди. Бош миянинг ривожланиши давом этади. Ҳозир у катта кишининг бош миясига жуда ўхшаш бўлади, лекин у жуда кичик. Чақалоқ ўсаяпти. Вақт-вақти билан унинг ғалати иш қилиб тургани: бармоғини сўриб турганини кўриш мумкин (лекин, агар аникроқ айтсақ, ҳозирча у факат бармоқчасини оғзига тикиб туради).

Ўйғоқ бўлган даврида (у тез-тез дам олиш, уйқу билан алмашиб туради) бола ўзининг мушакларини ғайрат билан «машқ қилиб туради»: бошини буради, қўллари ва оёқларининг бармоқчаларини буқади, оғзини очади ва юмади. Агар ташқи олам уни қаттиқ товушлар билан безовта қила бошласа, бола қулоқларини қўли билан ёпишга ҳаракат қиласади ва қўлининг кафти билан кўзига қаратилган ёруғлик нуридан кўзини пана қилишга уринади.

Энди боланинг узунлиги бошининг тепасидан думғазасигача 8 см ни ташкил этади, вазни эса деярли 13–14 г бўлади.

Вақт-вақти билан унинг ғалати иш қилиб тургани: бармоғини сўриб турганини кўриш мумкин. Боланинг узунлиги бошининг тепасидан думғазасигача 8 см ни ташкил этади, вазни эса деярли 13–14 г.

### **Буни билиш муҳим**

Юракчаси дақиқада бир неча зарбага кўпроқ ура бошлади: унга қон ва кислород таъминотига ошиб бораётган эҳтиёжини таъминлашга тўғри келади. Токсикоз ҳолатлари йўқ бўла бошлайди.

#### **Қўйидагилар керак бўлади:**

- аёллар маслаҳатхонасининг акушер-гинеколог шифокорининг режали кўригидан ўтиш;
  - агар ОИТВ-юқумли касаллигини даволаш ҳомиладорликнинг биринчи ҳафталарида тўхтатилган бўлса, онадан болага ОИТВ ўтишининг профилактикаси учун ҳам, соғлиғингиз учун ҳам мўлжалланган РВК-препаратларни қабул қилишни тиклаш юзасидан юқумли касалликлар шифокори билан маслаҳатлашиб лозим;
  - агар Сиз ҳомиладорлик ҳакида энди билган бўлсангиз, имкони борича тезроқ ОИТС марказининг даволовчи шифокорига мурожаат қилиш лозим. Шифокорнинг кўригидан ўтиш ҳамда вирус юкланмаси ва CD4-хўжайраларнинг миқдори юзасидан қон топшириш муҳим бўлади, кейин шифокор профилактика учун зарур бўлган РВК-препаратларни тавсия қиласди.

### **● ЎН УЧИНЧИ ҲАФТА**

#### **Чақалоқ**

Йигирмата сут тишларининг муртаклари шаклланиб бўлди. Оёқчалари деярли тўлиқ шаклланди. Булас қанчалик тез содир бўлиши ажойиб ҳолат! Боланинг узунлиги бошининг тепасидан думғазасигача 9,3–10,4 см ни ташкил этади, вазни эса деярли 28 г.

### **Буни билиш муҳим**

Иккинчи уч ойлигининг боши – ҳомиладорликнинг энг ёқимли даври. Токсикоз ҳолатларининг намоён бўлиши тўхташи мумкин.

Витаминларни мунтазам қабул қилиш ва тоза ҳавода сайр қилишнинг фойдасини унутманг.

## ● ЎН ТЎРТИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Бу ҳафтанинг асосий эришуви – терининг микроскопик тасвирини та-крорлайдиган ҳомила тукчаларининг пайдо бўлиши ҳисобланади. Бармоқ учларидаги бундай тери тасвири (бармоқ излари) инсоннинг ташриф варақаси бўлади. Ошқозон ости бези инсулинни – моддаларнинг алманинуви учун ва ўсиш учун жуда муҳим бўлган гормонни ишлаб чиқара бошлайди.

Репродуктив аъзолар шаклланади. Ўғил болада простата пайдо бўлади, қизларда тухумдонлар қорин бўшлиғидан тос-сон соҳасига тушади. Буйраклар ишлай бошлайди. Бола ҳомила ёнидаги сувни (амниотик суюқликни) ўпкасига тортиб ва уни ташқарига итариб чиқариб, нафас олишни «машқ қиласди». Ҳомиланинг узунлиги – 12,5 см.

### Буни билиш муҳим

Сизда ҳомиладорликнинг психологияк туйғуси: ичингизда митти юракча ураётганининг туйғуси пайдо бўлади. Сиз тез жаҳлингиз чиқадиган, кўп йиғлайдиган, атрофдагиларга талабчан бўлиб қолишингиз мумкин (буниси тушунарли).

Терининг биринчи чўзишилари (қорин, думба ва сонларнинг тери-сидаги пуштиранг йўл-йўл излар) пайдо бўлиши мумкин. Тери чўзишиларнинг профилактикаси учун шифокор билан маслаҳатлашишни тавсия этамиз, у маҳсус кремларни қўллашни тайинлаши мумкин. Сизни ич қотиши безовта қилиш мумкин. Ич қотишнинг сабаби ичакнинг перистальтик фаоллигининг заифлашувидан иборат. Бу озиқ-овқат массалари ичакда унчалик тез ҳаракатланмаслигини, тўхтаб қолиши ва зичлашиб кетишини билдиради.

### Для профилактики запоров:

- ўз парҳезингизга таркибида клетчатка бўлган ўсимлик маҳсулотларини киритинг;

- табиий ич кетказувчи таъсирига эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини синаб кўринг (масалан, қирғичдан ўтказилган лавлаги, олхўри қоқи – кўп аёлларга булар муаммони енгишда ёрдам беради);
- имкони борича нормал ҳаракатланиш режимига амал қилинг: пиёда сайдинга чиқинг, бассейнга бориб сузиш лаззатидан ўзингизни маҳрум қилманг, жисмоний машқларни эсингиздан чиқарманг;
- ҳар қандай ҳолатда шифокор билан маслаҳатлашиш яхшироқ бўлади.

Агар Сиз РВҚ-терапияни қабул қилаётган бўлсангиз, шифокорнинг тавсияларига амал қилиш: дориларни ўз вақтида, белгиланган дозасида, зарур бўлганда овқат ейиш билан боғлиқ ҳолда қабул қилиш мухим бўлади (кўп РВҚ-дориларни овқатдан кейин ичиш лозим).

## ● ЎН БЕШИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Боланинг майнин, шаффофф териси орқали минглаб қон томирлари кўринади. У борган сари кўркамлашмоқда! Бошида соchlар пайдо бўлади. Агар боланинг соchlари тўқ ранг бўлса, унинг фолликулалари маҳсус пигментни ишлаб чиқара бошлайди. Бола жуда ҳаракатчан ва эгилувчан бўлиб қолади. Олимлар шу даврда митти юраги суткасига 23 литрга яқин қонни «ўтказаётганлигини» ҳисоблашди! Ҳомиланинг узунлиги – 13 см га яқин, вазни – деярли 50 г.

### Буни билиш мухим

Терингизда пигментация (қориндаги жигар ранг чизиклар) пайдо бўлиши эҳтимолдан узок эмас). Пигментациянинг пайдо бўлиши – ҳомиладор аёл учун нормал ҳолат. Унинг сабаби – меланин номли маҳсус пигмент моддасининг терида йиғилишидир. Туғишдан кейин бу чизик аста-секин йўқолади.

## ● ЎН ОЛТИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Болангиз бошини тўғри ушлай олади. Юзининг мушаклари шунчалик ривожланганки, у юзининг ифодасини ўзгартира олади: оғзини очиб, гўёки хўмрайиши мумкин. Чақалоқнинг бўйни кўриниб қолди.

Бармокларида такрорланмайдиган терининг тасвири пайдо бўлди. Тирноклари амалда шаклланиб бўлди. Ҳомиланинг бўйи - 16 см.

Бу ҳафтасида баъзи «тажрибали» бўлғуси оналар боланинг қимирлашини сеза олади. Лекин кўпчилик аёллар ҳомиланинг ҳаракатларини 2-4 ҳафта кейинроқ сеза бошлайди..

### **Буни билиш муҳим**

Үйқу ва дам олиш Сизга маълум ноқулайлик бериши мумкин, чунки Сизнинг бачадонингиз ўсишда давом этади, ва қорин бўшлиғида борган сари кўпроқ жойни эгаллайди. Оёқ, кўкрак қафаснинг остига ёстиқ қўйиб, қулайроқ ҳолатини топишга уриниб кўринг. Акушер-гинекологнинг режали маслаҳати зарур бўлади.

Ҳомиланинг ривожланишидаги эҳтимолий четлашувларни аниқлаш учун қон таҳлили ўтказилади.

Агар Сиз РВҚ-препаратларни қабул қилаётган бўлсангиз – дориларни қабул қилишда узилиш бўлиб қолмаслигига ҳаракат қилинг. Шифокорга ташрифларни ўтказиб юбормаслик, даволаш нинг қанчалик самарали ва хавфсиз эканлигини кўрсатадиган таҳлилларни мунтазам топшириш муҳим бўлади.

Агар дорилар ҳали тайинланмаган бўлса, ОИТС марказида даволовчи шифокордан текширишдан ўтиш, ва ҳомиладорликнинг 22-24 ҳафтасида иммун мақоми, вирус юкланмаси бўйича қон таҳлилини қайта топширишга тайёрланинг.

### **● ЎН ЕТТИНЧИ ҲАФТА**

#### **Чақалоқ**

Бу ҳафтада ҳеч қандай янги тузилмалар шаклланмаган. Лекин, бола ундаги бор нарсалардан фойдаланишга ўрганади. Унинг териси бу даврда ёғ безларининг ажралмаси ва эпидермис зарраларидан иборат бўлган, нозик ва майин терисини механик шикастланишдан асрайдиган ва заарарли микроорганизмлардан ҳимоя қиласидиган туғма мойлов билан қопланган бўлади.

Ҳомила онанинг ёнида юзага келадиган қаттиқ шовқинларни сезиб жавоб бериши мумкин. Вазни – деярли 140 г.

## Буни билиш мұхим

Организм унда айланиб юрувчи қон ҳажмини оширади. Бу даврда бурун ва милклардан озгина қон кетиши мүмкін. Жинсий аязолардан ажралмалар кучаяди. Асосийси, бу ажралмаларнинг ёқимсиз ҳиди ва одатдан ташқари ранги бўлмаслиги керак – бу юқумли касалликлар борлигининг кўрсаткичидир.

Сизнинг тери ва шиллиқ парда қопламларингизнинг бутлиги шикастлаши мүмкін бўлган, ва ҳомиланинг Сизнинг қонингиз билан алоқаси истиносо этилмайдиган тиббий муолажаларга йўл қўймасликка ҳаракат қилинг.

Агар текшириш пайтида жинсий йўл билан юқадиган касалликлар аниқланса, шифокор керакли даволашни тавсия этади.

## ● ЎН САККИЗИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Бола ташқи оламни идрок эта бошлайди, ва қорнингизга оёқчалари билан депсиниб, ўзини билдириб қўяди. У ҳатто овозингизни ҳам эшитади: овозни ўрта қулоққа ўтказадиган эшитиш суюкчалари анча мустаҳкамланди, ва аста-секин эшитиш сигналларини қабул қилиш учун жавоб берадиган миянинг қисми ишлай бошлайди. Болани киндик орқали қон оқишининг овози ҳам, юрагингизнинг уриши ҳам кўрқитмайди, лекин қаттиқ овозлар уни кўрқитади.

Шу ҳафтадан бошлаб бола билан гаплаша боланг, унга қўшиқлар айтинг – у Сизни диққат билан эшитади. Боланинг бўйи 20,5 см га етди! Вазни – деярли 200 г.

## Буни билиш мұхим

Сиз ҳомиланинг қимирлашини сезасиз. Агар биринчи ҳомиладорлик бўлса, кечроқ: тахминан 20-ҳафтасида бўлиши ҳам мүмкін.

Кўпроқ сайр қилинг. Эрталаб ва кечқурун (уйқудан аввал) камида 25 дақиқа пиёда сайр қилишни одат қилиб олинг.

Агар Сизга болага ОИТВ ўтишининг профилактикаси учун препа ратлар тайинланган бўлса, шу ҳафтада шифокор Сизни такрорий вирус юкламаси таҳлилига юбориши мүмкін. Бу даволаш самарадорлигини баҳолаш ва қон кўрсаткичларини назорат қилиш учун керак.

## ● ЎН ТҮҚҚИЗИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Бола ўсишда давом этмоқда. Унинг бошида миллионлаб нейронлар ривожланади ва ўзаро алоқаларини ўрнатади, ҳамда бўлғуси мия учун асосни яратади. Агар у қиз бола бўлса, унда содда тухум ҳужайралари шаклланган бўлади. Боланинг бутун баданини тукчалар қоплади. Улар туғилишига яқин йўқолади. Чашлоқнинг сут тишлари муртакларидан ҳам чуқурроқ жойлашган доимий тишларининг муртаклари бор. Лекин бу ҳафтанинг асосий ютуғи – боз мия ўсишининг давом этиши! Вазни – деярли 230 г.

### Буни билиш мухим

Хозир Сиз нафақат ҳис-туйғу, балки жисмоний жиҳатдан ҳам ўзингизни умуман бошқача сезасиз. Бу табиий ҳолат, чунки организмда жуда катта ўзгаришлар рўй берган:

- юрак қисқаришлари сони бир дақиқада 80–90 уриш бўлади;
- артериал қон босими озгина кўтарилиган;
- айланиб юрувчи қоннинг миқдори деярли 500 мл га ошган (ҳомиладорликнинг охирига келиб қон ундан ҳам кўп бўлади – деярли 1000 мл).

Сайр пайтида фақат язхши нарсаларни ўйлашга ҳаракат қилинг, ахир ижобий ҳис-туйғулар ҳомила ривожланишининг динамикасига таъсир этади. Туғишига психопрофилактик тайёргарликни ва «Оналар мактабини» унутманг.

## ● ЙИГИРМАНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Сиз болангиз ухлайдими, ёки уйғоқми, сезишингиз мумкин. Стетоскоп ёрдамида шифокор унинг юраги ураётганини эшитади. Бошида соchlар пайдо бўлди. Оёқчалари бошқа тана қисмларига пропорционал бўлиб қолди. Бола муштларини қиса олади. Туғма мойлов – боланинг терисини ҳимоя қиласидиган ёғсимон оқ модда ҳосил бўлади.

### Буни билиш мұхим

- Сизда озгина нафас қисиши пайдо бўлиши мумкин. Бу қорин бўшлиғининг аъзолари диафрагмага босиши, шу билан ўпканинг ҳаракатини чеклаб қўйиши билан боғлиқ.
- Сийиш тез-тез бўлади.
- Қорнингиз олдинга чиқиб қолиши мумкин, чунки бачадон борган сари тепароқ кўтарилимоқда.
- Гемоглобиннинг даражаси пасайши мумкин (анемия).

Акушер-гинекологнинг маслаҳати ва ҳомиланинг ривожланишида эҳтимолий четлашувларни аниқлаш учун текширишларни (такрорий қон таҳлили, УТТ) ўтказиш тавсия этилади. Камқонлик профилактикаси учун шифокор темир препаратларини тайинлаши мумкин.

### ● ЙИГИРМА БИРИНЧИ ҲАФТА

#### Чақалоқ

Ҳазм қилиш тизими ҳомила атрофидаги суюқликдан сувни ва шакларни ўзлаштириш учун етарли даражада шаклланган. Тилида таъм ўсимталари шакллана бошлайди. Бола ҳозирча бачадоннинг ичида ўзи хоҳлаганидек ҳаракатланади: эрталаб у бошини пастга қилиб уйғоқ бўлиши, кундузи – пол юзига параллел ухлаши, кечқурун боши билан бачадоннинг тубига тирадиши мумкин.

Бу уч ойликнинг охирига келиб бола қандайдир битта ҳолатида мустаҳкамлана бошлайди, одатда боши пастда бўлади. 3-4% чақалоқлар ҳомиладорликнинг охиригача думба ёки тос билан пастга қараган ҳолда бўлади). Боланинг қонида қизил қон ҳужайраларининг етарлича юқори миқдори бор. Таминан бу ҳафтада юқумли касалликлардан ҳимоялаш учун жавоб берадиган оқ қон ҳужайралари ишлаб чиқарила бошлайди. Вазни – деярли 370 г.

### Буни билиш мұхим

- Вазнингиз сезиларли кўпайиши бошланади. Иштаҳангиз ортади. Организм кунига кўпроқ килокалориялар олишини талаб қиласди, лекин шуни унутмангки, ҳафтасига ўртача вазн кўпайиши 400 г дан ортаслиги лозим.

- Тишларингиз билан муаммолар: пломбаларнинг тушиб кетиши, тиш бўйинчасининг очилиб қолиши, милклардан қон чиқиши кабилар юзага келиши мумкин. Булар тушунарли ва ҳақиқий ҳолатдир. Бўлажак бола организминги-здан кальцийни «еб қўяди»!

- Агар Сиз оқ тишли кулиб туришингиздан айрилишни хоҳламасангиз, кальций препаратларини мунтазам қабул қилишни бошланг.

Энг осон олинадиганларидан бири – тухум пўстидир. Тухум пиширилганидан кейин уни қаҳва майдалагичда янчиб, 1/4 чой қошиқдан творог ёки бўтқага қўшиш керак. Бу осонн даволаш ёрдамида Сиз нафақат тишларингизни сақлаб қоласиз, балки оёқнинг томир тортишишини йўқотасиз (кальций ва калий танқислигининг оқибати).

- Жисмоний машқларни ва ҳомиладор аёллар учун маҳсус гимнастика машғулотларини унутманг. Маҳсус машқларнинг тўплами туғруққа тайёрланишга ёрдам беради, ҳамда Сизнинг ҳаётий тетиклигингиз ва кайфиятингизни кўтаради. Бу машқлар тўплами Сизга Оналар мактабида тақдим этилади.

## ● ЙИГИРМА ИККИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Тери орқали сезиш аъзолари ривожланади. Бўлғуси чақалоқ ўзининг танасини ўрганади, қўлчалари билан оёқлари, юзини ушлаб кўради, бosh бармоғини сўради. Чакалоқнинг қошлари пайдо бўлади.

### Буни билиш мухим

- Қон айланишининг фаоллашуви давом этади. Ҳомиладор аёлнинг организмида умумий қон оқими ортгани сабабли, жинсий аъзоларида ажралмалар кучайиши кузатилади, эроген зоналарнинг сезгирилиги ортади.

- Иккинчи уч ойлиги бошланиши ва аёлнинг ўзини сезиши яхшилангани сари унинг жинсий майли ошиб боради. Унинг жинсий истаклари (либидо) ортади.

- Овқат билан келиб тушадиган темирнинг етишмаслиги, шунингдек баъзи РВК-препаратларини қабул қилиш анемияга олиб келиши мумкин. Қуйидаги маҳсулотларни истеъмол қилиш организмдаги темирнинг етиш-

маслигини тўлдиришга ёрдам беради: гўшт, балиқ, тухум сариғи, жигар, ўпка, мош, ловия, олма, олхўри, шафтоли, исмалоқ ва бошқалар. Ҳолсизлик: бошнинг айланиши, кучли бош оғриғи, жисмоний ҳолсизлик туйғуси, кучли терлаш бўлганда – шифокорга мурожаат қилинг.

Агар Сиз ҳали РВҚ-препаратларни қабул қиласангиз, энг яқин 2 ҳафта ичида ОИТС марказида шифокор билан маслаҳатлашиш ва қон таҳлилини топшириш учун вақт топинг. Вирус юкланмаси, иммун мақоми юзасидан, қоннинг биокимёвий ва умумий таҳлиллари болага ОИТВ юқишининг хавфини мумкин қадар камайтириш учун Сизга энг самарали РВҚ-препаратлар схемасини танлаш имконини беради.

---

Бу ҳафта – ҳомиладорлик пайтида жинсий алоқаларнинг имкониятларини муҳокама қилишнинг аъло пайтидир. Кишилар ҳар доим ушбу ма-сала юзасидан керакли маълумотга эга бўлавермайди. Бу даврда жинсий алоқаларни чеклаб қўядиган сабаблар унчалик кўп эмас.

---

Сизни ушбу сабаблар ҳақида гинеколог огоҳлантирган бўлиши керак. Лекин, агар бирор-бир шубҳаларингиз қолган бўлса, албатта уларни ши-фокор билан муҳокама қилинг. Ва албатта презервативдан фойдаланишни унутманг.

## ● ЙИГИРМА УЧИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Унинг ҳаракатлари борган сари фаолроқ, баъзида ҳатто кескин бўлиб қолади. Шу даврда ҳомиланинг эндоскопияси бажарилганда видеокадрларда бола, бачадонда турганда, қўллари билан киндикни ушлаб олиши ва унинг учун бутун атрофдаги оламни ташкил этувчи сув қобиғида итарилиб, сузишини кўриш мумкин. Унинг кафтлари майин пушти рангли бўлиб қолади. Шу ҳафтада чақалоқнинг вазни тахминан 510 г ни ташкил этади.

### Буни билиш мұхим

Қорин деворининг беихтиёр, оғриқсиз кучаниши пайдо бўлиши мумкин. Кўрқманг – бу бачадон мушакларининг физиологик қисқаришларидир.

Қорин девори мушакларининг кучли, оғриқли кучанишларида, эҳтимолий асоратлар ривожланишини ўз ватида аниқлаш учун шифокор билан маслаҳатлашиш лозим.

## ● ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Боланинг кирприклари пайдо бўлди, бошида соч қопламининг шакллашини давом этмоқда. Боланинг юзи энди у туғилиш пайтида қандай бўлса, тахминан шундай кўринади.

Чақалоқ ташқи оламга борган сари кўпроқ эътибор бериб, қўшилади. Агар Сиз қўрқсангиз, бола ҳам қўрқади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳомила хавотирлик ва ташвишли қимиrlамаслик даврлари навбати билан алмашиб, бир неча соатгача қўзғалиш ҳолатида қолиши мумкин. Бола деярли тўлиқ шаклланиб бўлган, ва тери ости ёф қопламини ийға бошлайди. Чакалоқ энди хафа бўлиши ва жаҳли чиқиши мумкин! Расмга олинган «жаҳлдор қараш»: қўзларнинг атрофидаги мушакларнинг кучаниши, лабларини буриштириши – ва йиғлаш бунинг исботидир. Ҳомиланинг узунлиги – 30 см, вазни – деярли 600 г.

### Буни билиш муҳим

Бачадоннинг туби киндигингиздан сал юқорироқ туради. Бачадон туби туришининг баландлиги қов суюклари бирлашувидан бошлаб аниқланади. Қов суюклари бирлашувини аниқлаш учун фақат бармоқларингиз билан киндикдан тўғри пастга тушиб пайпаслаш керак. Сиз суюкни сезасиз – бу қов суюкларининг бирлашувидир.

Шу даврда ўз вақтидан илгари туғруқнинг хавфи бўлади.

**Ўз вақтидан илгари туғруқнинг аломатларини ўз вақтида тушуниб олиш жуда муҳим:**

- бачадоннинг соатига бешта ва ундан ортқи қисқариши;
- жинсий йўларидан оч қизил рангли қон ажralиши;
- юзи ёки қўлининг шишиб кетиши (қон босими ортишининг аломатлари);

- сийиш пайтида оғриқ бўлиши;
- қориндаги ўткир ёки узоқ оғриқ бўлиши;
- ўткир ёки узлуксиз қусиши;
- жинсий йўлларидан шаффоф сувсимон суюқликнинг тўсатдан чиқиши;
- орқа томондаги (белдаги) узоқ чўзиладиган зирқировчи оғриқ;
- тоснинг пастқи қисмида кучли босим туйғуси.

**Юқорида кўрсатилган аломатларнинг бир нечтаси биргаликда юзага келганда, шошилинч тарзда шифокорга мурожаат қилиш лозим.**

Туғруқдан аввалги бандажни топиб, ундан фойдаланинг. Бандаж туфайли бел қисмидаги оғирлик туйғуси камаяди. Бандажнинг кенг тасмаси боланинг тўғри ҳолатда туриб қолишига ёрдам беради. Ҳомила тос қисми билан пастга йўналтирилганда, ҳозирча бандаж тақишининг кераги йўқ, чунки у боланинг бошини пастга қаратиб айланаб қолишига тўскенилик қиласди.

### **Бандаж**

- чалқанча ётган ҳолатида тақилади.
- тақиш вақти – суткасига кўпি билан 10 соат.

### ● **ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ҲАФТА**

#### **Чақалоқ**

Кун сайин эмас, соат сайин ўсади! Бир неча ҳафтадан бери боланинг юрак уриши яхши эшитилади. Шифокорлар уни стетоскоп ёки маҳсус найча ёрдамида яхши эшитишади. Лекин юрагини, агар етарлича тинч бўлган хонада қорнингизга қулоғини қўйиб турган киши ҳатто қўшимча мосламаларсиз ҳам эшитиши мумкин.

Қўл бармоқлари борган сари кўпроқ эпчил бўлиб боради. Бола битта қўлини ҳозирдан кўпроқ ишлатади (шундай тарзда бўлғуси ўнақай ёки чапақай болалар орасидаги фарқ пайдо бўлади). У борган сари чаққон бўлмоқда, ва ҳаттоқи ўзининг оёғини ушлай олади.

Шу пайтга келиб боланинг ухлаш ва уйғоқ бўлишнинг ўзига хос режими шаклланиб бўлади. Чақалоқ уйғоқ бўлгани ҳақида ўз онасига тепишлари ва қимирлашлари билан билдиради, айнан Сиз дам олмоқчи бўлган пайтингизда ҳам шундай бўлиши мумкин!

## Буни билиш мұхим

Бачадон шунчалик катталашдикі, әнди у диафрагмага, пастки қовурғаларға босиб туради ва ошқозонни үз жойидан силжитди.

РВҚ – препаратларни қабул қилишга тайёрланнинг. Шифокор билан таҳлилларнинг натижаларини, ҳамда болага ОИТВ юқишининг профилактикаси учун Сизга тавсия этиладиган дориларни мұхокама қилинг. РВҚ – препаратлар тайинланғанда, шифокорға Сиз доимий ёки баъзида қабул қыладиган ОИТВ-юқумли касаллиги билан боғлик бўлмаган дорилар (масалан, гинеколог тайинлаган дорилар) ҳақида билдириш мұхим бўлади. Бу инсон учун баъзан хавфли бўладиган дориларнинг бир-бирига таъсир этишига йўл қўймаслик учун зарур бўлади.

### ● ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ ҲАФТА

#### Чақалоқ

Бу ҳафтада бола әнди аста-секин кўзини оча бошлайди. Кейинчалик чақалоқнинг кўзи қандай рангда бўлишидан қатъи назар, ҳозир улар мовий рангда бўлади.

Бу ҳафтада боланинг вазни деярли 800 г, унинг бўйи – 32,5 см га яқин бўлади.

## Буни билиш мұхим

Сизни белдаги чўзиладиган оғриқлар ташвишга солиши мумкин, кечқурун каравотта бемалол ётиш ва яхши дам олиш қийинроқ бўлади. Агар ўнг ёки чап биқинингизда ётсангиз, белингиз тагига ёстиқ қўйсангиз, енгил тортишингиз мумкин, ҳомиладорлар учун маҳсус матраслар ҳам яхши фойда берган.

---

Бу ҳафтада қоннингумумий ва биокимёвий таҳлилларини, шунингдек вирус юкланмаси ва СД4-лейкоцитлар юзасидан тестларни топшириш керак, шундан кейин, табиийки, ОИТС га қарши кураш ва профилактика марказининг мутахассиси бўлган юқумли касалликлар шифокори билан маслаҳатлашиш лозим.

Агар Сиз ОИТВ билан яшаёттанингизни билсангиз ва бирор-бир сабабга кўра ОИТС га қарши кураш ва профилактика марказининг шифокорига ҳали бормаган бўлсангиз, имкониятини топиб, мумкин қадар тезроқ маслаҳатлашишга келинг. Бу чақалоқнинг соғлиғи учун ва ўзингизнинг соғлиғингиз учун ўта мұхим бўлиши мумкин.

## ● ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Териси доимо сув муҳитида бўлгани учун, ажинларга тўлиб-тошгандек кўринади. Бу туғруқдан бир неча ҳафта аввалроқ йўқолади. Шу даврда ўз вақтидан аввал туғилган бола яшаб қолишининг катта эҳтимолига эга бўлади (85% га яқин).

### Буни билиш муҳим

Вазннинг сезиларли ортиши давом этмоқда.

Ҳомиладорлик – шифокор томонидан тавсия этилган пархезлардан ташқари, ҳар хил пархезларга риоя қилишнин вақти эмас!

Амалда ҳар бир ҳомиладор аёлнинг кўкрак безлари ўлчамлари ва вазнининг ортиши кузатилади. Ҳомиладор бўлмаган аёлларда кўкракнинг вазни ўртача тахминан 200 г, ҳомиладор аёларда эса – 780 г ни ташкил этади!

Сиз йиғиб олган ортиқча вазннинг катта қисми ҳомила ёнидаги сувга ва қоннинг катталашган ҳажмига тўғри келади.

## ● ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Бош миянинг эгатчалари шаклланади. Миянинг ўзи эса ҳажми кескин ошади. Агар болангиз ўғил бўлса, шу ҳафтада унинг мояклари мояк халтасига тушиши кузатилади (шу пайтгacha улар қорин бўшлиғида бўлган). Шу ҳафтада боланинг бўйи – 35 см га яқин, вазни – бир килограммдан сал кўпроқ.

### Буни билиш муҳим

Шу даврдан бошлаб гинекологнинг олдига кўпроқ келиш керак. Текшириш ўтказилади. Ҳозир шифокор билан келажак туғруқнинг истикболини муҳокама қилишнинг энг яхши пайтидир.

Агар РВҚ-профилактиканинг схемасини танлаш 25-26 ҳафтасида амалга оширилган бўлса, ҳозир РВҚ-препаратларни қабул қилишни бошлаш лозим.  
**Қатъий мойилликка алоҳида эътибор қаратиш лозим!**

Сиз РВҚ – профилактикани қабул қилмоқдасиз.

**Шуларни унутмаслик керак:**

- ҳаммада ҳам ножўя таъсири бўлавермайди. Кўпчлик кишиларда РВҚ-терапияни қабул қилишда ахволи ва ўзини сезиши ўзгармайди.
- РВҚ-профилактиканинг энг кўп тарқалган ножўя таъсирлари: кўнгил айниши, кусиш, суюқ нажас келиши, камқонлик, тери тошмалари, жигар функцияларининг бузилишларидир;
- ножўя таъсирларини назорат қилиш учун қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлилларини текшириш ўтказилади;
- препаратларнинг ножўя таъсирининг барча кўринишлари ҳақида шифокорга гапириш керак, у уларни тиббий картада қайд этади ва уларни бартараф этишга ёрдам беради.

## ● ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Чақалоқ туғилишга ва бачадондан ташқари ҳаётга тайёргарлик билан банд бўлмоқда. У тана ҳароратини маълум даражада ростлашни ўрганиб олди. Унинг безлари эса онаси организмининг сут ажратишини рағбатлантирувчи гормонларни ажратиб чиқаради. Ҳомиланинг қимирлаши энди сал бошқачароқ тус олади. Айланишлар ўрнига тирсаклари ва тиззалири билан уриш ва тепишлар бўлади.

### Буни билиш мухим

Ҳомиладорликнинг учинчи уч ойлигига хуш келибсиз!

Кўкрак безлари ўгиз сути – сутдан аввал чиқадиган суюқликни ажратиб чиқара бошлайди. **Ўгиз сутида ОИТВ нинг юқори концентрацияси мавжуд!**

Шахсий гигиенага риоя қилинг: жинсий аъзолар ва сут безларини парвариш қилинг. Чақалоқ билан гаплашинг, унга унинг қанчалик орзиқиб кутилгани, Сиз уни қанчалик яхши кўришингиз ва дунёга келишини кутаётганингизни гапиринг. Булар бўлғуси боланинг руҳий-эмоционал ривожланишига ижобий таъсир этади.

## ● ЎТТИЗИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

У ёруғлик ва қоронғилик туйғулари билан таниш (онаси бўлган мұхитнинг ёритилганлиги даражасига қараб), товушларни, онасининг ва бошқа оила

аъзоларининг овозларини эшитади. Бола кўкрак қафасини ритмик кўтариб, ўз ўпкасини машқ қилдира бошлайди, бу эса баъзан ҳомила ёнидаги суюқликнинг томоғига кириб қолишига олиб келиб, ҳиқичоққа сабаб бўлади. Шу вақтга келиб болангиз етарлича ёғ тўқимасини йигиб олди, ва унинг учун ўз вақтидан илгари туғилиши хавфли бўлмайди. Болангизнинг вазни деярли 1400 г, бўйи эса – 37,5 см бўлади.

### **Буни билиш муҳим**

Танангизнинг оғирлик маркази ўзгаришда давом этади, шунинг учун қоматингизни кузатиб туринг.

**Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмисидаги асоратлар ривожланиши мумкин:**

- шишлар;
- артериал қон босимининг ортиши;
- сийдикда оқсилнинг аникланиши.

**Ҳам ичиладиган, ҳам ажратиладиган суюқликнинг миқдорини назорат қилиш лозим:**

- русхат этиладиган суткалик меъёри, шўрва, сут, чой ва мевалар ҳисобга олинганда, бир ярим литрдан ошмаслиги лозим;
- сийдикнинг миқдори (диурез) истеъмол қилинган суюқликнинг миқдоридан кам бўлмаслиги лозим. Агар сийдик камроқ ажраладиган бўлса, суюқлик тўқималарда шишлар шаклида йиғилади ва токсикознинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Юрганда ёки ўтирганда қоматни тўғри тутишни унумтсанг. Каравотдан туришдан аввал, ёнингизга бурилинг. Қорин мушаклари шундок ҳам бачадон катталашгани сабабли кучли тортилиб, заифлашгани учун жуда муҳим бўлади.

Жисмоний машқлар ўзини яхши сезишнинг сақланиб қолишида жиддий ўрин тутади. Улар Сизга туғишда тегишлича тайёрланишда ёрдам беради. Машқлар тўпламини Оналар мактабининг машғулотларида эгаллаш мумкин.

## ● ЎТТИЗ БИРИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Чақалоқ учун атроф мұхитни идрок этишнинг асосий воситаси әшишиш бўлади. Унинг кўз қорачиклари деярли катта инсондаги каби, ёруғликка ва қоронғига жавоб бериб ўзгариши мумкин. Тери сезиш аъзолари ишлайди. Териси пушти ранг бўлиб қолади (аввал у қизил рангга яқинроқ бўлган).

Хозир бачадоннинг қон томир тизими орқали 500 мл қон ўтади, у ҳомиланинг ичидаги қон айланиши учун жавоб берадиган йўлдошнинг капилляр тизими билан жуда яқин алоқада бўлади. Лекин уларни жуда юпқа тўсик – йўлдош тўсиги ажратиб турганига қарамай, Сизнинг қонингиз ҳеч қачон боланинг қони билан аралашмайди. Бола онасининг овозини яхши танийди, ва туғилганидан кейин уни бошқа овозларнинг ичидан осон ажратади.

Чақалоқнинг вазни – 1,5 кг.

### Буни билиш мухим

Қорнингиз ҳажми ошиши давом этади, ва шу сабабли баъзи ёқимсиз туйғулар пайдо бўлиши мумкин:

- ички аъзоларга, кўкрак қафасига ва тос соҳасига босимнинг ортиб бориши;
- доимий жиғилдон қайнashi – каталашаётган бачадон ички аъзоларни ўрганган жойидан силжитади, бунда ошқозоннинг ишлаши учун қийинчилик юзага келади.

Шифокор билан гаплашиб, туғиши учун клиниканинг манзилини аниқлаш, янги туғилган чақалоқни парвариш қилиш ва овқатлантириш усусларини аниқлашни унутманг.

Кўкрак сутини эмизиш болага ОИТВ ўтишининг хавфини бир неча баравар ошириши учун, мумкин эмаслигини эсда сақланг.

## ● ЎТТИЗ ИККИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Унинг юзидаги ажинларнинг кўп қисми тозаланди. Бу ҳафтада боланинг ҳаракатлари максимал даражасигача етди. Шу пайтдан бошлаб улар нинг миқдори ва сифати ўзгараради. Бу ҳолат чақалоқ борган сари йирикроқ бўлиб,

аста-секин бутун бачадонни эгаллаб бориши билан боғлиқ. Ҳомила ёнидаги сувда ағдарилиш ва ўмбалоқ ошиш унга қийин бўлади, лекин у аввалгидек киндигини ушлаб, атрофдаги ҳамма нарсани қўллари билан пайпаслаб туради. Боланинг вазни – деярли 1 кг 700 г, бўйи – 40 см га яқин.

### **Буни билиш мұхим**

Акушер-гинекологнинг режали ташрифи зарур бўлади. Эҳтимол, Сизга УТТ, сийдикнинг умумий таҳлили ва қоннинг биокимёвий таҳлили белгиланади. Тоза ҳавода сир қилишга кўпроқ эътибор беринг.

#### ● **ЎТТИЗ УЧИНЧИ ҲАФТА**

##### **Чақалоқ**

У кўп ухлайди, эҳтимол, онаси каби ёрқин тушларни кўрса керак. Унинг кўз қорачиқлари тез уйқуга хос бўлган тарзда ҳаракатланиб туришдан шундай хулоса қилиш мумкин. Ўйғонганда, чақалоқ товушларга ва ўз туйғуларига эътибор бера бошлайди.

Эҳтимол, у қандайдир сояларни кўради ва сезади, лекин асосийси шуки, у ниманидир ўрганмоқда: унинг миясидаги миллиардлаб нейронлар ҳозир триллионлар ва яна триллионлар янги алоқаларни ҳосил қилмоқда. Бўлғуси чақалоқ ўзига хос модда – сурфактантга эга бўлди, бу модда унга туғилишдан кейин мустақил нафас олишга имкон беради. Эҳтимол, у ҳаттоқи туғилиш учун қулай бўлган бошини пастга қаратган ҳолатга тушиб олди.

### **Буни билиш мұхим**

Енгил томир тортишиш ва бачадоннинг спазм қисқаришлари пайдо бўлиши мумкин, бу организмнинг туғишига тайёрланишини билдиради. «Оналар мактаби» Сизга томир тортишиш ва спазм ҳолатларини енгишга ёрдам беради.

#### ● **ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ ҲАФТА**

##### **Чақалоқ**

Чақалоқнинг таъм сезгиси етарлича ривожланган. У онаси энг кўп истеъмол қиласидиган таомларнинг таъмига ўрганиб қолади. Унинг боши-

даги соchlар анча қалинроқ бўлиб қолди, лекин, эҳтимол, уларнинг ранги ҳали «каттароқ» ёшида пайдо бўладиган рангидан фарқ қилса керак. Боланинг вазни – деярли 2 кг, бўйи – 42,5 см га яқин.

## Буни билиш мұхим

Сут безларидан ўғиз сути интенсив ажralиши мумкин.

Әңдиликда Сиз бола Сизни айнан нима билан – тирсаги ёки тиззаси билан тепаётганини ажрата оласиз. Лекин, албатта, ҳозир у аввалгидан камроқ қимирлайди. Балки, Сизга аввал бачадон соҳасида енгил ритмик қимирлашларни сезиш насиби қилгандир.

Афтидан, уларнинг сабаби чақалоқни... ҳиқичоқ тутганлигидир!

Бу хавотирга тушиб учун сабаб бўлмаслиги керак. Сут безларининг гигиенасига риоя қилинг. Ҳомиладорликнинг 34-36 ҳафтасида одатда ОИТС марказининг даволовчи шифокорига ташриф буюриш режалаштирилади. Бир қатор мұхим таҳлилларни топшириш лозим: иммун мақоми, вирус юкланмаси, қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлиллари. Бу профилактикалық самарадорлигини, унинг Сиз ва бола учун хавфсизлигини баҳолашга имкон беради. Туғруқдан сал олдинги вирус юкланмасининг даражаси туғруқнинг усулини аниқлашга ёрдам беради (онанинг қорнини ёриб болани олиш ёки табиий тарзда туғиши).

## ● ЎТТИЗ БЕШИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Бу ҳафтада боланинг тирноқлари бармоқлариниг энг учигача ўсиб келган. Улар бола туғилганда Сизни ўз узунлиги билан ҳайратда қолдириши мумкин. Чақалоқнинг юзида бачадонда ётганда олган тирналишлари бўлиши мумкинлиги ҳам истисно этилмайди. Ҳозир унга бу ерда тикилинч ва ноқулай бўлмокда. Тери ости ёғ тўқималарининг йиғилиши давом этади, айниқса елка атрофидаги соҳасида: боланинг елкалари думалоқ ва юмшоқ бўлиб қолади. Ундаги тукчалар аста-секин камайиб, йўқолади, лекин ҳали юзида ва қулоғида у ер-бу ерда қолиши мумкин. Айрим тизимларнинг янада ривожланиши давом этмоқда: асаб, сийдик-жинсий тизими ва бошқалар. Боланинг вазни – деярли 2 кг 200 г, бўйи – 45 см.

## Буни билиш мұхим

Ухлай олмаслик хусусида маълум муаммолар бўлиши мумкин – организм чақалоқнинг дунёга келишига тайёрланади, бунда эса тунда ухламаслик албатта бўладиган ҳолат. Сийиш тез-тез бўлади (ўртача ҳар бир 45–60 дақиқада). Оғирлашиб түйғуси борган сари кучлироқ бўлади. Камроқ суюқлик ичиш керак.

Ётишдан аввал тос билан айланы ҳаракатларни бажаринг, кундузи эса – бирор-бир унчалик оғир бўлмаган ишлар билан шуғулланинг. Шу билан Сиз кечаси нормал дам олиш эҳтимолини оширасиз.

### ● ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ ҲАФТА

#### Чақалоқ

Бола думалоқлашиб қолди, юзи текисроқ бўлди. Унинг дўмбоқ бетлари пайдо бўлди. Чақалоқда дўмбоқ бет бўлишининг сабаби тери ости ёф тўқималарининг ортиши ҳамда бачадонда бир неча ой давомида ўз бармоғини интенсив сўриш бўлади – сўриш мушаклари учун яхшигина машқ қилиш! Бу ҳафтада ёки кейинги ҳафтада болангиз дунёга кеилишга тайёрлана бошлайди.

## Буни билиш мұхим

Бачадоннинг юқори қисми энг баланд даражасига етди – у кўкрак қафасининг остида. Нафас олганда кўкрак қафасида нокулайлик ва оғриқ сезилади.

#### Қуйидагилар керак бўлади:

- акушер-гинекологнинг маслаҳати;
- ОИТС га қарши кураш ва профилактика марказининг юқумли касалликлар шифокорининг маслаҳати. Шифокор билан, туғиши пайтида Сиз қайси РВК-препаратларни қабул қилишингизни, қайси препаратларни болага бериш кераклигини муҳокама қилинг;
- агар аввал назорат текшируви ўтказилмаган бўлса, РВК-профилактиканинг самарарадорлигини баҳолаш учун СД4-лимфоцитларни ва вирус юкланмасини аниқлаш учун қон топшириш керак.

**Туғиши ўтказилишиннг усулинимуҳокама қилиш мақсадга мувофиқ. Бундай усуллар иккита:**

- табиий усулда туғиши;
- онанинг қорнини ёриб бола олиш орқали туғиши.

Туғишининг усули юзасидан мутахассис (хабардор бўлган аёлнинг ёзма розилиги мавжуд бўлиши шарти билан) муайян вазиятта мувофиқ, вирус юкланмасининг даражасига қараб, онанинг манфаатларини ҳамда ҳомила учун ОИТВ юқишининг хавфи камайтирилишини ҳитсобга олган ҳолда қарор қабул қиласди.

Режали тарзда, туғруқ фаолияти бошланишидан ва ҳомила қобиқлари ёрилишидан, ҳомила ёнидаги сувлар тўкилишидан аввалроқ бажарилган онанинг қорнини ёриб бола олиш (туғадиган аёlda вирус юкланмаси даражаси юқори бўлганда), онадан болага ОИТВ ўтишининг хавфини икки марта камайтиради. Бу ҳолатда боланинг онасининг турук йўлларидағи вирус юқкан ажралмаларига эҳтимолий узоқ тегиб туришининг олди олинади.

## ● ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Бола нафас олиш ҳаракатларини амалга ошириши мумкин. Вақт-вақти билан уни кучли ҳиқиҷоқ безовта қиласди. У дунёга келишга тайёрланади.

### Буни билиш мұхим

**Ҳомиладорлик «етилган» деб аталадиган даражасига яқын келди:**

- бола борган сари пастроқ тушмоқда, Сизга нафас олиш аста-секин енгилроқ бўлмоқда;
- ҳозир боланинг боши тосга кириш қисмига зич ёпишиб қолди, бачадон қорининг олдинги деворини кўпроқ босиб тортади, унинг туби пастроқ тушган (лекин агар тос қисмининг пастга қаратилиши сақланиб қолган бўлса, бачадоннинг туби юқори қолган);
- бачадоннинг кучаниши – белдаги озгина тортувчи оғриқлар, борган сари кўпроқ ҳали муңтазам бўлмаган тўлғоқ сезилади;
- тез-тез сийиш озгина безовта қиласди, лекин у ҳомиланинг ҳолати билан изоҳланади.

Агар Сизда сурункали касалликлар аниқланган бўлса, тегишли мутахассисга ташриф буюришга эринманг. Зарур бўлганда, акушер ўз вақтида Сизни

операцияга тайёрлай олиши учун, «Алмашув картасида» белги ёки шифокорнинг маълумотномаси бўлиши керак. Баъзан тўлғоқлар ва улар билан боғлиқ бўлган организмнинг кучаниши жиддий аасоратларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, масалан, яқин кўришнинг юқори даражаси, кўз тубининг ўзгаришлари, тўр пардаси кўчишининг хавфи муддатидан илгари касалхонага ётқизиш ва жарроҳлик орқали туғдиришни талаб қилади.

Жинсий соҳа билан боғлиқ бўлмаган касалликлар ўткирлашувида, ҳомиладорликнинг иккинчи ярмиси токсикозининг аломатлари пайдо бўлганда ва ҳомиланинг нотӯғри ҳолатида ҳам муддатидан илгари касалхонага ётқизиш талаб этилади.

### **Тұғруқхонага олдинроқ келган яхши.**

Нарсаларингизни аввалдан тайёрланг. Кўп нарса олиш керак эмас, фақат энг кераклиси:

Гигиена буюмлари, кийимлар.

Агар шифокор Сизга аввалдан берган бўлса, ЮФРҚТ препаратларини унутманг.

Алмашув картаси, паспорт, суғурта полисини унутманг.

Касалхонадан чиқишда керак бўладиган нарсаларни аввалдан тайёрланг.

### **● ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ ҲАФТА**

#### **Чақалоқ**

У кунига ўртача 28–30 г га яқин вазни ошади, ва дунёга келишига интенсив тайёрланиши давом этмоқда! Айтгандек, унга қандай исм беришни танладингизми?

#### **Буни билиш мухим**

Эҳтимол, Сизда қорин пастидан оёқларга қараб электр ток ўтгандек туйғу бўлади. Ҳомила чуқурроқ тушаётгани ва бунда асаб толаларига тегаётгани туфайли шундай бўлади. Туғиш бошланишига ўхшаш туйғулар (бидириувчи аломатлар) бўлиши мумкин.

Агар Сиз туғруқхонага бормоқчи бўлсангиз, овқат еманг ва ичманг. Агар Сиз қорнини ёриб болани олишни танлаган бўлсангиз, туғруқхонага бориш-

нинг вақти келди. Қорин ёриб бола олиш туғруқ фаолияти бошланиши ва ҳомила ёнидаги сув кетишидан аввал ўтказилади.

Одатда туғруқ пайтида профилактика мақсадида препаратларни қабул қилиш операциядан 3 соат аввал бошланади ва бутун туғруқ даври мобайнида давом этади.

## ● ЎТТИЗ ТҮҚҚИЗИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Баъзан қисқа муддатга ҳаракати тинчидан қолиши кузатилади. Қўрқма, чақалоқ дунёга келиш учун куч йиғмоқда. Боланинг вазни – деярли 3 кг 200 г, бўйи – 48 см га яқин.

### Буни билиш муҳим

Организм туғишига тайёр, бу эса жуда эътиборли бўлиш лозимлигини англатади – исталган пайтда тўлғоқ бошланиши мумкин. Агар Сиз биринчи марта туғмаётган бўлсангиз, тайёр бўлинг – туғишига жуда яқин қолди!

Бачадон бўйинчаси юмшай бошлайди, лекин бачадон бўйинчасининг «етилганлиги» даражасига қараб доимо туғруқ бошланиши вақтини билиш мумкин бўлавермайди.

---

Туғруқнинг арафаси бўлган кунида Сиз қўйидаги аломатларни кўришингиз мумкин:

- жинсий йўлларидан қонсимон ажралмалар;
- шиллиқ тикиннинг чиқиши (бачадон бўйинчасидан);
- вазннинг маълум камайиши;
- нажаснинг суюқ бўлиши;
- иштаҳанинг ортиши;
- тинч, пана жойни излаш кайфияти.

Ҳомила ёнидаги сувнинг (жинсий йўллардан жуда кўп суюқликнинг) чиқишини сезмай қолиб кетманг. Сувсиз даври 4–6 соатдан ошмаслиги кепрақ, акс ҳолда болага вирус юқишининг хавфи ортади. Бундай ҳаяжонли пайтда ҳам РВҚ-препаратларни қабул қилишни унутмаслик жуда муҳим.

Агар туғруқ бошланишининг аломатлари бўлмаса, шифокор билан маслаҳатлашинг.

## ● ҚИРҚИНЧИ ҲАФТА

### Чақалоқ

Чақалоқ түлиқ шаклланиб бўлган, ва дунёга келишга тайёр. Туғилиши билан, у биринчи марта қичқиради, гўёки атрофдаги оламни қутлайди! Бола мустақил нафас олади, унинг юраги уради, унинг қўлчалари ва оёқчалари фаол ҳаракатланади. Туғилган кунинг муборак бўлсин, болакай!

### Буни билиш муҳим

Туғруқ пайтидаги кимёвий профилактика онадан болага ОИТВ ўтишининг хавфини камайтириш мақсадида ўтказилади ва аёл ҳомиладорлик пайтида РВҚ-терапияни олган-олмаганлигидан қатъи назар тайинланади. РВҚ-препаратлар табиий туғруқ бошланиши билан, боланинг онадан ажралиши (киндинг кесилиши) пайтигача тайинланади.

### ТУҒРУҚ

#### Тўлғоқ: ўзини қандай тутиш тўғри бўлади

Туғруқнинг биринчи даврида боланинг қон билан таъминланиши ёмонлашади. Бунда Сиз беихтиёр чуқурроқ нафас олишни истайсиз. Юрак уриши тезлашади. Тўлғоқقا бундай рефлектор реакциялар туфайли бола кўпроқ кислород олади. Агар тўлғоқ пайтида сокин, текис ва чуқур нафас олсангиз, шу билан Сиз чақалоққа вақтинча кислород етишмаслигини енгишга ёрдам берасиз. Айни пайтда, туғруқ пайтида чуқур нафас олиш – нисбий ҳолатдир.

Диафрагма юқори тургани учун, аёл фақат ўпканинг юқори қисми билан нафас олиши мумкин. Лекин ҳар бир нафас олишда ҳаво гўёки ўпкага оқиб кириб, кўйкрак қафасининг тепа қисмини бемалол тўлдириши керак. Нафас чиқариш ҳам шундай осон бўлиши лозим.

---

**Ҳавони томир тортишгандек – куч билан олиш, кескин нафас чиқариш керак эмас.**

---

Тўлғоқ тутиш пайтида туғаётган аёлнинг ҳолати ҳар хил бўлиши мумкин. Баъзи аёллар туришни, бошқалар юришни афзал кўради. Униси ҳам, буни-

си ҳам, агар суви кўплиги, кўп болали ҳомиладорлик, юқори артериал қон босими ва ҳоказолар туфайли мумкин бўлмаган ҳолатлар деб айтилмаса, мумкин бўлади.

**Лекин энг яхшиси ён биқинида ётиб, тиззани сал букиб, қориннинг пастки қисмини нафас олиш в чиқариш ритмида сал тегиб туриб майн силаш керак.**

- Иккала қўл бармоқларининг учи билан қориннинг ўрта чизиғидан четга қараб силаш амалга оширилади. Силаш пайтида аутотренингда қўлланадиган формулани такрорлаб туриш мумкин: «Мен тинчман. Мен ўзимни бошқара оламан. Менинг нафасим текис, чуқур...».
- Туғруқни оғриқсизлантириш учун нуқтали ўз-ўзини уқалашдан фойдаланиш мумкин. Нуқталар сонлар бўйлаб жойлашган, уқалаш четга сурилган, сал тебранаётган бош бармоқ учлари билан бажарилади.
- Бел ромбиннинг ташқи бурчакларидағи нуқталарни бел остига ёки муштлари қисилган қўлларини, ёки валикни қўйиб туриб, босиш мумкин.

Тўлғоқ бошланиши ва тугаши вақтини кузатинг. Ҳар бириннинг пайдо бўлиши билан, бачадон бўйинчаси яна озгина очилди, Сиз туғруқ тугашига яна сал яқинроқ бўлдингиз, ва ўз болангизга ёрдам бериш учун текис ва чуқур нафас олиш кераклигини эслатиб туринг.

Агар жуда қаттиқ оғриқ бўлса, шифокорга айтинг. Вазиятга қараб, у Сизга ёрдам бериш йўлини топади. Лекин оғриқсизлантирувчи воситаларсиз туғиши яхшироқ. Бу препаратларнинг катта доза лари қўлланганидан кейин бола яшашнинг янги шароитларига мослашувини анча қийинлаштирадиган ҳолатда туғилиши мумкин.

Туғруқнинг биринчи дарвида кўп аёлларда қусиш юзага келади.

Агар бунда бошқа аломатлар, масалан, ошқозон оғриши, бош оғриши, кўз олди чақнаши бўлмаса, бу кўрқинчли ҳолат эмас, ва одатда вегетатив асаб тизимининг тонуси ўзгариши ва бачадон бўйинчасининг очилиши билан боғлиқ бўлади. Қусиш узоқ давом этмайди ва даволашни талаб этмайди. Қусиш тўхтаганидан кейин оғзини сув билан чайқаш ва 1-2 қултум сув ичиш керак, лекин янги қусиш бўлмаслиги учун кўп сув ичманг.

### Кучаниш: ўзини қандай тутиш тұғри бўлади

Тұғруқнинг иккинчи даврида кучаниш бошланади, ва Сизни туғруқ залига олиб боришади. Кучанишни бошқариш мумкин. Кучаниш қандай бўлишини шифокор ва акушер кузатиб туради. Бу даврда туғаётган аёл ичидан шишиб кетишнинг ёқимсиз туйғусини сезади. Шуни айтиш керакки, кучаниш оғрикли бўлиши кўп жиҳатдан Сиз тўғри кучанишинизга ва ҳолатингиз қанчалик тўғрилигига боғлик бўлади.

- Сиз туғруқ столида ётибсиз, елкалар озгина кўтарилган.
- Оёқ товони билан столга тиради, қўлингиз билан туғруқ столининг тутқичларини ушлаб, чукур нафас олиб, оғизни зич юмиб, нафасни ушлаб туринг. Шу билан Сиз кучанишни кучайтирасиз.
- Кейин бўшашиб, нафас олишда ушлаб турмай, чукур, сокин нафас олиб туринг.
- Боланинг боши тос орқали ўтганда, кучаниш энг кучли бўлади. У ташқи жинсий аъзолардан чиқиб кўриниши билан, акушер чот орасининг йиртилмаслигига қаратилган ёрдамни кўрсатади. Шу пайтда унинг айтганларини ниҳоятда аниқ бажариш керак.
- Боланинг боши жинсий йўллардан кучаниш орасида чиқишини унуманг. Бунинг учун, пайдо бўлаётган рефлексга қарамай, уни камайтириш керак: бўшашиб, оғиз орқали нафас олишни ҳеч қандай секинлаштиrmай, нафас олиш лозим.

## Тұртқынчи боб Инсон Тұғилди!

Сизнинг организмингиз ушбу баҳтли пайтга узоқ тайёрланиб келган. Ва ниҳоят у етиб келди. Сиз боланғизнинг биринчі қичқиришидан буни билдингиз. Агар аввал Сизнинг организмингиз уни ҳимоя қылған бўлса, энди чақалоқнинг соғлиғига қайғуриш – Сизнинг иссиқ ва меҳрибон қўлингизда. Чақалоқ моҳир парвариш қилишга, муҳаббатга ва эркалашга ниҳоятда муҳтождир.

### Тұғруқдан кейинги илк давр

ОИТВ юқишининг хавфини мумкин қадар камайтириш учун, болага ҳаётининг биринчі соатларидан бошлаб РВҚ-препаратларни қабул қилиш лозим. Янги туғилган чақалоқларга дорилар сироп шаклида берилади. Профилактика схемаси индивидуал равища, Сизнинг вирус юкланмаси, иммун мақоми кўрсаткичларингиздан, ва Сиз ҳомиладорлик ва туғруқ даврида қандай РВҚ-препаратларни қабул қилганингиздан келиб чиқиб, белгиланади.

### Боланинг ОИТВ мақомини қандай қилиб ва қачон билиш мүмкин?

ОИТВ – мусбат натижали аёлдан туғилган барча болаларнинг қонида ОИТВ га аксилтаначалар бўлади. Шунинг учун болага туғилганидан кейин дарҳол қилинадиган ОИТВ га аксилтаначалар (ИФА) юзасидан таҳлил доимо мусбат натижали бўлади. Агар болага вирус юқмаган бўлса, аксилтаначалар 12-18 ой давомида йўқолади. Бу давр мобайнида ОИТВ бўлган аёллар томонидан туғилган болалар ОИТС-марказида рўйхатда туради.

Болага ОИТВ – юқумли касалликни истисно этувчи ёки тасдиқловчи текширишлар ўтказилади. Тестлар ва текширишлар натижаларига кўра якуний ташҳис аниқланади.

Болада ОИТВ борлиги юзасидан ўтказиладиган ПЦР – полимеразали занжирли реакция дастлабки ва етарлича самарали бўлган тест деб ҳисобланади.

Ушбу тест иммун танқислиги вирусининг аксилтанаачалари эмас, вируснинг ўзи мавжудлигини аниқлашга, ва боланинг туғилишидан кейин бир неча ой ўтганда дастлабки натижа олишга имкон беради. Тест камида икки марта ўтказилиши керак.

#### **Одатда ПЦР усулида текшириш:**

- Ҳаётининг биринчи 1-2 сойларида
- 4-6 ойлигига ўтказилади

Ушбу тестларнинг натижалари бўйича дастлабки хулоса берилиши мумкин. ПЦР нинг иккита мусбат натижасининг олиниши болага ОИТВ юқсан, деган хулоса қилиш учун асос бўлади. Агар иккала текширишда манфий натижа олинса, болада ОИТВ-юқумли касаллиги йўқлиги ҳақида дастлабки хулоса берилади.

Айни пайтда, ПЦР натижалари бўйича шифокорлар боланинг организмида ОИТВ-юқумли касаллиги йўқлиги ҳақида якуний хулоса бера олмайди. Тестнинг натижаларидан қатыназар, бугунги кунда онанинг аксилтанаачалари парчаланиши ва ОИТВ га аксилтанаачалар юзасидан стандарт таҳлил манфий натижа берганидан кейин, болани рўйхатдан чиқариш мумкин. Агар 18 ойдан кейин ОИТВ га аксилтанаачалар мавжудлиги юзасидан тест (ИФА) мусбат натижали бўлиб қолаверса, бу болага ОИТВ юқсанлигини билдиради.

#### **Болани сунъий овқатлантириш**

Француз мақоли, болага ўз ихтиёрига қарши она сутини эмизишдан кўра чин юракдан сунъий овқатлантириш яхшироқ, дейди. Онанинг сути орқали ОИТВ- юқумли касаллик ўтишининг олдини олиш учун кўкрак сутини эмизишдан тўлиқ воз кечиш ва фақат сунъий аралашмалардан фойдаланиш керак.

Сунъий овқатлантиришда ҳам худди кўкрак сутини эмизишдаги каби бола билан яқин ва мустаҳкам алоқа ўрнатиш мумкин!

- Овқатлантиришни бошлагандан, барча ишларни четга қўйиб, телефон ва телевизорни ўчиринг, ўриндиқقا қулай жойлашиб олинг, кўнглингиз бўшашиб, тинчланинг.

- Чақалоқни очиқ қорнингизга босиб туринг («терига тери тегиши» сунъий овқатлантиришда жуда муҳим бўлади), унга муҳаббат билан гапириб туринг.

- Овқатланишда чақалоқ ярим вертикал ҳолатда бўлгани яхшироқ. Овқатланишдан кейин, қусишнинг эҳтимолини камайтириш учун, чақалоқни бир неча дақиқа вертикал ҳолатда ушлаб туринг.
- Ҳеч бўлмаса биринчи пайтлари чақалоқни ўзингиз, ёки фақат бир киши: чақалоқнинг отаси ёки бувиси билан навбатма-навбат овқатлантиришга ҳаракат қилинг. Агар чақалоқни доимо ҳар хил кишилар, айниқса бир кун давомида овқатлантиrsa, у нихоятда асабийлашади.
- РВҚ-профилактикани болага у ортиқча овқатни чиқарганидан кейин, ёки овқатлантириш орасида берган яхшироқ.

Кучсиз, вактидан аввал туғилган болаларда ошқозон-ичак тизими сунъий аралашмаларни ҳазм қилишга ҳали мослашмаган бўлади, ва шунинг учун овқатни ҳазм қилиш тизимининг фаолиятида кўпинча ножӯя ҳолатлар ва бузилишлар юзага келади. Лекин бу кўкрак сутини эмизишга ўтиш кераклигини билдиrmайди. Шифокор билан маслаҳатлашинг – балки, сутли аралашмани ўзгартириш фойда бериши мумкин.

Чақалоқقا имкони борича кўпроқ эътибор беришга ҳаракат қилинг: у билан кўпроқ ўйнанг, қўлингизга олинг, эркаланг, ўзингизга босиб туринг – у овқатлантириш туридан қатъи назар, доимо яқинлигингизни ҳис этиб турсин. Кичик ёшида чақалоқ онаси билан яқин жисмоний алоқага муҳтож бўлади. Шунинг учун, айнан онаси у билан сайр қилиши, уни чўмилтириши ва кийинтириши муҳим бўлади. Бу ҳамма нарсани ўзингиз қилишингиз керак, дегани эмас.

Яқинларингизнинг ёрдами бу даврда жуда муҳим бўлади. Уларни чақалоқни (ва Сизни) парвариш қилишга жалб қилинг. Бу бутун оила учун фойдали бўлади, сизни умумий шодлик ва ғамхўрлик орқали бирлаштиради.

### **Нега болани кўкрак сути билан эмизмайсан, деган саволга қандай жавоб бериш керак?**

Сиз ОИТВ мақомингизх ҳақида билмайдиган атрофдагилар ёки қариндошлардан бирортаси нега болани кўкрак сути билан эмизмайсан, деб сўрайдиган вазиятга тушишингиз мумкин. Сизни кўкрак сутини эмизишдан воз кечишга унданаган ҳақиқий сабабни кимга ва қандай қилиб айтиш ҳақида Сиз ўзингиз қарор қиласиз.

**Масалан, воз кечишни қўйидагилар билан асослаш мумкин:**

- кўкрак учлариниг териси ёрилиб кетди;
- чақалоқда сутга аллергия бор;
- Сиз дориларни қабул қиласиз.

Сиз шунингдек касалхона ичидаги юқумли касаллик бўлганини ва шу сабабли – шифокор тавсия этганини асос қилиб кўрсатишингиз мумкин.

### **Сунъий аралашмалар, уларни тайёрлаш**

Сунъий сутли аралашмаларда боланинг нормал ривожланиши учун етарли бўлган озуқа моддалари ва витаминлар бор. Аралашмани тайёрлаш жараёнида, одатда, ўрамнинг ташқи томонида бўлган йўриқномага риоя қилиш керак. Йўриқномада қуруқ аралашма ва сув миқдорининг нисбати, сувнинг тавсия этилган ҳарорати ва аралашмани тайёрлаш усули ҳақидаги маълумот бўлади.

Бевосита болани овқатлантиришдан аввал ичидагини чайқатмай, идиши сўрғичини пастга қилиб ағдаринг. Бу идишда ва сўрғичда йигилган ҳавони чиқариш учун керак бўлади. Аралашма аввал ингичқа оқим, кейин – тахминан 1 сонияда 1 томчи тезлигига томчилаб тўклиши керак.

Тайёр аралашманинг ҳароратини ўлчаш керак. Энг осон йўли – кафтингиз бошланиши жойига озгина томизинг. Аралашма тана ҳароратига яқин бўлиши, яъни амалда сезилмаслиги керак.

Агар аралашманинг ҳарорати талаб этилганидан пастроқ ёки юқорироқ бўлса, аралашмани иситиш ёки совутиш керак.

Овқатлантиришда ишлатиладиган барча буюмларни (идиши, сўрғич, қошиқ ва ҳоказо), аввал илиқ сув оқимида ювиш, кейин стериллаш ёки қайнатиш керак.

**Аралашманинг қолдигини ҳеч қайси ҳолатда кейинги овқатлантиришгача қолдириш мумкин эмас.**

### **Чақалоқни кузатиш ва парвариш**

ОИТВ – мусбат натижали онадан туғилган чақалоқ эътиборли муносабатни талаб этади, ва унинг соғлиғи кўп жиҳатдан ота-онаси тиббий кўрикларга ва РВҚ-профилактика курсини қабул қилишга оид тавсияларга қанчалик жиддий қарашига боғлик бўлади.

ОИТВ – мусбат натижали аёллардан туғилган болаларга қуйидагилар зарур бўлади:

- туғруқхонада бошланган РВҚ-профилактика курсини давом эттириш;
- яшаш жойига кўра поликлиникада педиатрнинг кузатуви остида бўлиш;
- ОИТС – марказида педиатрнинг кузатуви остида бўлиш;
- мутахассисларнинг кўригидан ўтиш (кералки тадқиқотларнинг жадвали қўйида келтирилган);
- стандарт лаборатория текширишларидан ўтиш;
- туғишдан аввалги юқумли касалликлар юзасидан текширишлардан ўтиш;
- ОИТВ-мақоми билан боғлиқ имкониятлар ва чекланишларни ҳисобга олиб, вакцинациядан ўтиш;
- пневмоцистали пневмониянинг профилактикасидан ўтиш.

### **ОИТВ – мусбат натижали аёллардан туғилган болаларни кузатиш жадвали**

Текширишнинг тури	Текширишнинг муддати
Педиатр кўригидан ўтиш Вазни ва бўйини ўлчаш Жисмоний ва психомотор ривожланишини баҳолаш	Биринчи ой ичида – 10 кунда 1 марта, кейин – рўйхатдан чиқарилгунча ойда 1 марта
Отоларинголог кўригидан ўтиш Дерматолог кўригидан ўтиш Стоматолог кўригидан ўтиш	Биринчи ой ичида – 1 марта, кейин – йилда 1 марта
Стоматолог кўригидан ўтиш	9 ойлигига
Офтальмолог кўригидан ўтиш Жарроҳ кўригидан ўтиш Ортопед кўригидан ўтиш	1 ойлигига
Иммунолог кўригидан ўтиш	Эмлаш ва вакцинация тақвимини тузишда
Реакция Манту	6 ойда 1 марта – БЦЖ вакцинаси эмланмаганларга 12 ойда 1 марта – БЦЖ вакцинаси эмланганларга

## ОИТВ-мусбат натижали аёл түққан чақалоқни парвариш қилишнинг ўзига хос хусусиятлари борми?

Ҳеч қандай ўзига хос хусусиятлари йўқ. Фақат чақалоқни парвариш қилишнинг стандарт қоидаларига риоя қилиш керак.

**1.** Мαιший турмушкида санитария-гигиена меъёrlарига риоя қилиш:

- хонани шамоллатиш, чангини артиш, бола ўйинчоқларининг аҳволини назорат қилиш;
- болани тозалика ўргатиш (бола ўзи қилишни ўрганмагунча, боланинг қўлини ювиш ва тишларини тозалаш).

**2.** Чাқалоққа тўлақонли овқатланишни таъминлаш.

**3.** Бола билан мунтазам сайр қилиш ва жисмоний машқларни қилиш (яхшиси тоза ҳавода).

**4.** Чাқалоққа тўлақонли уйқу ва дам олишни таъминлаш.

**5.** Тайинланган дориларни ўз вақтида ва тўғри бериш.

**6.** Ҳар бир тиббий кўрик пайтида шифокор ёки ҳамшира боланинг оғиз бўшлиғини текширишини кузатиш – ОИТВ – юкумли касалликнинг биринчи аломатлари оғиз бўшлиғидаги ярачалар бўлиши мумкин.

**7.** Чақалоқнинг соғлиғи ҳолатини диққат билан кузатиш, ва қуйидаги аломатлар пайдо бўлса, дарҳол шифокорга билдириш:

- ҳароратнинг ортиши;
- йўтал;
- тез-тез ёки қийинлашган нафас олиши;
- иштаҳанинг йўқолиши, вазнининг етарли кўпаймаслиги;
- оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида оқ қоплам ёки ярачалар;
- танадаги ўтиб кетмайдиган тошмалар;
- ажралмаларида қон бўлиши;
- ич кетиши, қусиш.

## Туғруқдан кейинги давр. Сут безларининг сутни ҳосил қилиши ва ажратиши (лактация) тўхтаб қолиши

Сизга туғруқдан кейинги парвариш ва ичидаги қон бўлиши мумкин бўлган материаллар (масалан, гигиеник прокладкалар) билан хавфсиз муомала қилиш чоралари юзасидан аниқ йўл-йўриқлар, шунингдек лактация туга-гунча кўкрак безларини парвариш қилишга оид маслаҳатлар ёрдам беради. Сизга бу йўл-йўриқларни шифокор беради.

• Педиатр ва ОИТС-маркази мутахассисидан чақалоқни қандай парвариши қилиш, жумладан күкрап сутини мос келадиган овқат билан алмаштириш ҳақида маълумот олиш керак. Кейинги кузатиш учун (онасини ҳам, чақалоқни ҳам) рўйхатга кўйиш ҳақида ва чақалоққа ОИТВ-юқумли касаллик юзасидан тест ўтказиш имкониятлари ҳақида маслаҳатлашиш лозим. Бундай маслаҳатни ОИТС-марказидаги педиатр, участка педиатри ва район юқумли касалликлар шифокори бериши мумкин.

• Сизга кўкрап сутини эмизиш тавсия этилмагани сабабли, лактация тўхташи билан Сиз энди табиий контрацепция – янги ҳомиладорлиқдан сақланиш бўлишига ишона олмайсиз. Ҳомиладорлиқдан сақланиш масалаларини ОИТС га қарши кураш ва профилактика маркази ёки аёлар маслаҳатхонасининг мутахассислари билан муҳокама қилинг. Сизга мос келадиган усулини танланг.

**Сиз боланинг биринчи дўсти ва ҳимоячиси бўласиз. Унинг яхши ахволи ва ҳаёти Сизга боғлиқ бўлади.**

Шундай экан, ўзингизга, ўз яхши ахволингиз ва яхши сезишингизга ғамхўрлик қилинг. Ўзингизни ўйланг!

## Психологик ўз-ўзига ёрдам

Ўз ҳаётингизни ўзингиз учун ҳам вақт бўладиган қилиб ташкил этишга ҳаракат қилинг: нафақат чақалоқ билан, балки эрингиз, яқинларингиз, дўстларингиз билан тоза ҳавода айланиб туринг. Ўз ташки кўринишингизга эътибор беринг, ўзингизни сезишингизни кузатиб туринг. Ҳаётингиз ўзгариб кетди, агар Сиз чарчаган бўлсангиз, ҳайрон қоларли жойи йўқ! Туғруқдан кейин маълум вақт ўтганда, эҳтимол, Сиз тушкунлик, тез чарчаш, Сиз янги вазифаларни эплашингиз қийинлиги учун айбдорлик туйғусини сезишингиз мумкин. Уйқунгиз ўзгариши мумкин. Бу ҳам тушунарли ҳолат: Сизнинг организмингизда гормонал қайта ўзгариш бўлмоқда, у ўзингизни сезишингиз ва ҳис-туйғу ҳолатингизга таъсир этади.

## Нима қилиш керак?

• Барча уй ишларини ўзингиз қилишга уринманг, ўзингиздан ўта кўп нарсани талаб қилманг. Атрофдагилар Сизга нимада ёрдам бериши мумкинлигини ўйлаб кўринг.

- Атрофга қаранг: атрофингизда Сиз керак бўлган, ва Сизни, чақалоқни яхши кўрадиган яқин кишиларингиз бор.
- Болангизга қаранг! У бир неча кун ёки бир неча ҳафта аввал бўлганидек кучсиз ва иложсиз эмас. Вақт ўтиши Сизга ёрдам беради: тез орада чақалоқ, анча кучлироқ, мустақилроқ бўлади. Фақат унга бунда озгина ёрдам бериш керак.
- Агар қариндошлар ва танишлар Сизга болаларни қандай тарбиялаш кераклигини ўргатишга ўта ўжарлик билан интилса, ўзингизни кераксиз маслаҳатлардан чегаралашга ҳаракат қилинг.
- Сиз оддийгина гаплашишингиз мумкин бўлган инсонни, Сиз ишонадиган, Сизни тинглай оладиган, гапингиздан ортиқча хулоса қилмайдиган инсонни топинг.
- Ўз овқатланишингиз ҳақида қайғуринг. Витаминларни қабул қилиш керак эмасми, айнан қандайлари кераклиги ҳақида шифокор билан маслаҳатлашинг.
- Кўпроқ дам олинг, сайд қилинг ва ухланг. Ҳамма ишларни барибир қилиб улгурмайсиз!
- Яқин инсонингиз билан уйдан ташқарида кечқурун дам олиб ўтказишнинг иложини топинг.
- Сизни ҳозир ташвишга солиши мумкин бўлган жисмоний ноқулайликлар вақтинча ҳолат бўлиб, кўпи билан 1–1,5 ой давом этади.

## **Агар чақалоқда ОИТВ –юқумли касаллик ташҳиси тасдиқланса...**

### **Ўзингизни айбламанг**

Энг мұхими - ОИТВ бўлган бола - оддийгина бола эканлигини, унга нор-мал ривожланиши учун яқинларининг, асосийси, энг яқин кишиси – онасининг муҳаббати, эътибори, мuloқоти, парвариши ва ғамхўрлиги кераклигини эсда тутишдир. ОИТВ бўлган болани тарбиялаш бошқа ҳар қандай чақалоқни тарбиялашдан ҳеч нимаси билан ажralиб турмайди.

Лекин эътибор бериш керак бўлган бир нечта жиҳатлар ҳам бор::

**Қандай қилиб чақалоқда касалликлар юзага келишининг олдини олиш мумкин?**

Боланинг иммунитетига ОИТВ таъсирини кескин камайтириши мумкин бўлган энг асосий омил – бу ОИТВ-юқумли касаллигини РВК-препаратлар билан ўз вақтида бошланган даволашдир.

Даволашни бошлаш вақти ва схемаси индивидуал тарзда, боланинг ва унинг оиласининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланади.

ОИТВ -юқумли касаллиги бўлган чақалоқ унинг ОИТВ-манфий натижали тенгдошларига қараганда касалликларга кўпроқ мойил бўлади. Бундан ташқари, ОИТВ-юқумли касаллигига бошқа касалликлар оғирроқ кечади. Шунинг учун барча профилактика эмлашларини ўз вақтида қилиш муҳим бўлади:

- дифтерия, кўк йўтал, қоқшолдан;
- полиомиелитдан (ОИТВ – мусбат натижали аёллардан туғилган болаларга, ичida тирик вирус бўлмаган вакцинанинг инъекциявий варианти тайинланади);
- В гепатитидан;
- тепки, қизамиқ, қизилча юқишидан. Бу вакцина ОИТВ бўлган чақалоқларга фақат ОИТС марказининг даволовчи шифокори билан маслаҳатлашишдан кейин қилинади.

Шифокор болага, масалан, қуйидаги юқумли касалликлардан қўшимча эмлашларни қилишни маслаҳат бериши мумкин:

- пневмококкли юқумли касаллик (икки ёшгача);
- гемофилия таёқчаси;
- грипп (ҳар йили).

**Болангиз бошқа болалар билан баравар ҳолда барча болалар муассасаларига қатнаши мумкин!**

Фақат грипп ёки бошқа вирус юқумли касалликлар эпидемиялари пайдида уни болалар боғчасига олиб бориш керак эмас.

Агар чақалоқ сув чечаги, қизамиқ ёки силга учраган бемор билан алоқада бўлганлиги юзасидан шубҳаси бўлганда, бу ҳақда шифокорга дарҳол билдириш керак.

**Шифокорга мунтазам ташриф буюринг!**





## **Ky&a o&gt;apantca &gt;amou&gt;po:**

### **Perry&gt;pho nocc&gt;latre bpa&gt;a!**

Днио HEM&gt;JHEHO COOGUJNTP 06 3TOM BPA&gt;.  
C OJUJPHIM BETPARKON, KOPPKO NUN TYGEPKJUJEDOM, HEODOX-  
HOBABNUOCB NOAJO3PENE, ATO MARJPIB HAXOJNJCIA B KOTAKTE  
JANJAMENIN RPUNNA NUN APPYRUX BNPYCHIX NHFEKJUNI. ECJN  
HE HYKKHO TOJPKO BOJNTB ETO B AETCKNI CAAJ BO BPEMA

### **AETCKNE YHPEKJAHNA HAPBRAE C APPYRUMN AETPMN!**

### **PEGEHOK, KNPYJUNI C BNH, MOKET NOCELLATB BCE**

RPUNNA NUN REMOFUNJRAA MAJIOHKA.  
TERJPHIE UPNBNNBK, HANPNMEd, OT TAKNX NHFEKJUNI, KAK  
BPAH MOKET NOCOBETOBATB CJERJATB PEGEHOK JUONJHN-  
CHNJ-UJETHPA.

AETJAHOT TOJPKO NOCRE KOCHYJPTAUJN C JUHAJUNM BPAHOM  
OT CBNHKN, KOPN, KPACKHYXN. CTY BAKLJNY MARJPIAM C BNH  
• OT LENANTTA B;

- PNAHT BAKLJNPI, HE COAEPKJUJN KNPBLO BNPYCA);  
TERJPHIM KJEHUJNAM, H3AHAETCA NHPEKJUNOHPBIL BA-
- OT MOUNMENJNTA (AETJM, POKJAEHHIM BNH-JUONJHN-  
• OT ANFTEPN, KOKJHOMA, CTJRGHAKA);  
UPNBNNBK.

TAKKE BAKHO BOPPEMA AETJATB BCE UPFOUNJAKTNECKNE  
OCOGEHHOCTJN PEGEHOKA.  
JUEHENJA, N CXEMA NOJGONPATCA NHJANBNJAYAUBHO, C YHETOM  
JUEHENJE BNH-NHFEKJUN APB-UPNEHAPATMAN. BPEMA HAHARA

ogatntb Bhnane.

Однако есть некоторые моменты, на которые стоит

↳ [Goro Apyrto Marpilia](#).

Camoe bakhoe nomhntb, ato pedgeok c BNH — 3to upoccto pedgeok, koto pomy ltna hopmari phoro parabintna he- ogox4lambi jnogobr, rhmahnge, oglehene, sagota poAphix, a mabroe, camoro jninskorlo hejorbeka — mampi. Bocninta- hne pegehka c BNH hninem he otinahetcia ot bocninta hna

HE BUNH CĘGA

•••вихеф

Ecnj y marpima noAtrepAnica Anarhos Bnñ-nh-

- Браhине н упoнтии нaрoднoгo чeлoвeкa —
- Чре<sup>ж</sup>дити за тeм, чтo бы бpeмя кaк<sup>ж</sup>до Me<sup>ж</sup>домoтpa
- Борpемa н пaбaнypho дaбaтb haзaхeннe прa MaрpiuMa —
- Oдeчeниятb MaрpiuMa нoтиюнeхpиn coн n oтApix.
- Typon c peгeхkom (keнaтepиho ha Bo3ayx).
- Peryuapho coрepuatb нoлyжкн n 3aнmaтpca фuн3kyж-
- Oдeчeниятb MaрpiuMa нoтиюнeхpie нtaнne.
- Cтоhнeм /letcknx нrpyumek.
- npoбeтpнBaтb KoMaтy, Bpинnатаp nBиp, чre<sup>ж</sup>дитi 3a co-
- Coгoжoдaтb Caнtapho-лннeннeкne hopmbi B gptiy:
- Coгoжoдaтb Caнtapho-лннeннeкne yxoJia 3a MaрpiuMa.
- Hnakaкx ocoгeHocTeн He cyuиectbyet. Heo6oxoAнno JuнuB
- **poкжeхhpiM Bn-нoжoкнteрphoн Kеhлинион?**
- **Cyuиectbyot juн ocoгeHocTn B yxoJie 3a MaрpiuM,**

- npoнti npoфuнraтnky нeбeMoнuнctHoн нeбeMoнn.
- Aehнn, CBa3aHpix C Bn- CratycOн;
- npoнti Baкlinauнko c yHeToM Bo3MoKcTeн n oрpahи-
- npoнti Caнtapho-лннeннeкne нccиeлoBaнn;
- нeтppe;
- haxoAнtPca noA haгujoдeнneM neAнtaPа B Cнuж-
- no MecTy knTeиpBa;
- haxoAнtPca noA haгujoдeнneM neAнtaPа B noжnкnинke
- hom /lome;
- npoAнtukn kypc APB-npofuнraтnky, haтapin B poлnyp-
- ot Bn-нoжoкнteрphix Kehлини, Heo6oxoAнno:
- no npnem ykpcA APB-npofuнraтnky. /letcM, poкжeхhpiM
- k MeпuнuнckM ocmotpam n BpинuнeHnio pekoMeH-лнн
- 3aBancnt ot Tolo, haсkoзipko ceppе3hо oтhocacTa poЛanten
- gyet BhuMaTeрpho oтhouMeна, n ero 3AпoBpе B oMhoroM
- MaрpiuM, poкжeхhpiM Bn-нoжoкнteрphoн MaMоn, tpe-

## Haгujoдeнne n yxoJie 3a MaрpiuM

29

Суподснц, нөхемүү тиң көпминнүү пәгөхка рүүлүп. Ремене о том, көмүү нак соодулларыңң иштеп, мөгү-  
жанбасын төгө олардың ортосунан алып, көпминнүү кама. Ганаңмеп, откаа мөккөн одоочорлар  
түшнүүмдөмүү көмүү. Ганаңмеп, олардың көпминнүү, тиң  
түшнүүмдөмүү кама. Ганаңмеп, откаа мөккөн одоочорлар  
түшнүүмдөмүү көмүү. Ганаңмеп, олардың көпминнүү, тиң

NICKY COTTERELL - MECHANICAL ENGINEER

Міжнародні мови  
Міжнародні мови  
Міжнародні мови

каюлнх нин појктрехнкоб, хе шаюлнх о троем цтатыце,  
ти мокет окастарбса б снтыжнн, корфа кт-то нис окоу-

## gehka rpyatlo?

### kak otretnip ha bonpoc, nohemy tpi he kopminup pe-

заготон.  
норбыи бен цемпэ, огөжннт бас огулнн падогтамн н  
бүрекан нх к 3аготе о марпиле (н о тэгэ). Это нонжет ха  
камон. Томоулжинск ихэвх бакха б зот непнод. Лиц-  
кината и олбараа. Это хе озахаат, это хаджо бсэ залатб  
loatomy тар бакхо, хотги мөхөн мана с хин лянаа, эро  
